

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

«ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШ» КАФЕДРАСИ

БАКАЛАВРИАТ 5610100 – ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШ ВА
ЮРИТИШ ЙЎНАЛИШИ

4.36 - ГУРУХ ТАЛАБАСИ

УСМАНОВА САИДА МУХИДДИНОВНА

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

МАВЗУ: жаҳон иқтисодиётида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш
йўналишлари

Илмий раҳбар:

“Фермер хўжалигини бошқариш”,
кафедраси катта ўқитувчи, и.ф.н.

Галимова Ф.Р.

“Иш кўриб чиқилди ва ҳимояга қўйилди”

“Фермер хўжалигини бошқариш”
кафедраси мудири, доцент

_____ Р.Х.Пўлатова

2014 йил “_____” _____

“Фермер хўжалигини бошқариш”
факультети декани, доцент

_____ А. Шокиров

2014 йил «_____» _____

ТОШКЕНТ – 2014
МУНДАРИЖА

Кириш	3
Адабиётлар шарҳи	5
1-Боб. Жаҳон иқтисодиётида қишлоқ хўжалигини ўрни ва уни ривожлантириш хусусиятлари	
1.1. Жаҳон қишлоқ хўжалигининг назарий асослари.....	11
1.2. Ривожланган мамлакатлар қишлоқ хўжалиги ва уни ривожланиш хусусиятлари.....	15
1.3. Ривожланаётган мамлакатлар қишлоқ хўжалиги ва уни ривожланиш хусусиятлари.....	19
2-Боб. Жаҳон қишлоқ хўжалигида ўсимликчилик ва чорвачилик ишлаб чиқаришини ривожлантириш таҳлили	
2.1. Жаҳон қишлоқ хўжалигида ўсимликчилик ишлаб чиқаришининг жойлашуви ва ихтисослашуви.....	27
2.2. Жаҳон қишлоқ хўжалигида чорвачилик ишлаб чиқаришининг жойлашуви ва ихтисослашуви.....	37
3-Боб. Жаҳон қишлоқ хўжалигини ривожлантириш йўналишлари	
3.1. Жаҳон қишлоқ хўжалигини моддий-техника базасини инновацион ривожлантириш.....	46
3.2. Қишлоқ хўжалигида ахборот-маслаҳат хизматларини ривожлантириш.....	51
3.3. Фермер хўжаликлари ўртасида кооперациявий муносабатларни ривожлантириш.....	61
Хулоса ва таклифлар	71
Фойдаланилган адабиётлар руйхати	75

Кириш

Қишлоқ хўжалиги моддий ишлаб чиқаришнинг асосий ва энг қадимги тармоқларидан бири бўлиб, аҳолига озиқ-овқат маҳсулотларининг аксарият қисмини ва саноат учун хом ашёнинг анчагина қисмини етказиб беради. Қишлоқ хўжалиги асосан иккита йирик тармоқдан – деҳқончилик ва чорвачиликдан иборат. Бу икки соҳа аҳоли учун деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етказиб беради. Қишлоқ хўжалиги ўсимлик ва чорвачилик маҳсулотларини дастлабки қайта ишлайдиган бир қанча тармоқларни ҳам ўз ичига олади. Иқтисодий жиҳатдан фаол аҳолининг тахминан ярми, камроқ тараққий этган мамлакатларда эса кўпинча 80-90%дан ортиғи қишлоқ хўжалигида банд. Ривожланаётган мамлакатларда бу кўрсаткич ўртача 60%дан ортади, ривожланган мамлакатларда 10%ни ташкил этади. Қишлоқ аҳолисининг ижтимоий муаммолари, жойлашиши қишлоқ хўжалиги билан чамбарчас боғлиқдир. Бир қанча мамлакатларда ўрмон хўжалиги ҳам қишлоқ хўжалиги таркибига киради.

Қишлоқ хўжалиги аҳоли учун озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш билан бирга қатор саноат тармоқлари (озиқ-овқат, омихта ем, тўқимачилик, дори-дармон, атир-упа саноати ва бошқалар)ни хом ашё, от-улов (йилқичилик, буғучилик ва ҳоказо) билан таъминлайди, деҳқончилик тармоқлари (далачилик, сабзавотчилик, мевачилик, узумчилик ва бошқалар) ҳамда чорвачилик тармоқлари (қорамолчилик, чўчқачилик, қўйчилик, паррандачилик кабилар) ни ўз ичига олади. Бу тармоқларни биргаликда ривожлантириш моддий ва меҳнат ресурсларидан тўғри фойдаланиш имконини беради.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши кўлами кенгайиб, маҳсулот етиштириш ҳажми ўсиб бораётганлигига қарамай, дунё аҳолисининг муайян қисми тўйиб овқат емайди, ўн ва ҳатто юз миллионлаб аҳоли кўпинча оч қолади. Ривожланаётган мамлакатлар аҳолисининг анчагина қисми, ривожланган мамлакатлар аҳолисининг моддий жиҳатдан яхши таъминланмаган гуруҳлари ана шулар жумласидандир.

Жаҳон қишлоқ хўжалиги аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, саноатни хом ашё билан таъминлашда асосий манба бўлиб қолмоқда. Жаҳон қишлоқ хўжалигининг фан-техника ютуқларига асосланган ҳолда индустриал асосда юксалиб бориши, ундаги меҳнат тақсимоти, ҳар хил давлатларни ўз табиий, иқтисодий шароитидан келиб чиқиб ҳар хил қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашиши бир томондан, давлатлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий алоқаларни ривожлантирса, иккинчи томондан, интеграцион жараёнлар кучайишига олиб келмоқда.

Охириги йилларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш тармоқларининг кескин ривожланиб бориши қишлоқ хўжалигини жаҳон иқтисодиётидаги аҳамияти янада ошаётганидан далолат беради. Шунинг учун ҳам жаҳон қишлоқ хўжалигини, унинг иқтисодини ўрганиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг асосий омиллари бўлган ер, сув ва меҳнат ресурслари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини ривожланган, ривожланаётган давлатлар миқёсида ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Булардан ташқари айрим мамлакатлардаги иқлим шароити уларнинг у ёки бу қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашишига қандай таъсир қилишини ўрганиш ҳам катта аҳамиятга эга.

Битирув малакавий ишда жаҳон қишлоқ хўжалигининг ҳозирги аҳволи, унинг жаҳон иқтисодиётида тутган ўрни, ривожланган ва ривожланаётган давлатларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг ўзга хос хусусиятлари, жаҳон қишлоқ хўжалигини ривожлантириш йўналишлари, жаҳон қишлоқ хўжалигидаги халқаро интеграцион жараёнлар ва қишлоқ хўжалиги ривожланишида фан-техника тараққиётининг тутган ўрни ҳақидаги масалалар ёритилган.

Адабиётлар шарҳи

Мазкур битирув малакавий ишини ёзишда: Ўзбекистон Республикасининг

қонунлари; мамлакатимиз президент И.А.Каримовнинг асарлари, маърузалари, хориж ва Республикаимиз иқтисодчи олимлари томонидан эълон қилинган дарслик, ўқув қўланма, монография ва илмий мақолалардан фойдаландик.

Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги¹ қонуни(янги таҳрири). 2004 йил 26 август. Бу қонун билан қишлоқ хўжалигидаги ислохатлар иқтисодий ўзгаришларнинг энг муҳим бўғини деб эътироф этилди, янги хўжалик механизми-фермер хўжаликлари ташкил этиш ва фаолият юритишнинг асосий қоидалари яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримовнинг 2013 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Бу маърузада 2013 йил яқунлари ҳамда 2014 йил учун белгилаб берилган мамлакатимиз тараққиётининг устувор йўналишлари, мақсад-вазифалари ёритилган. Қишлоқ хўжалигини ривожланиш даражасини белгиловчи кўрсаткичлар кенг таҳлил этилган. Қишлоқ хўжалигини эришган ютуқлари ва ривожлантиришнинг устувор вазифалари белгилаб берилган².

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузаси³. Бу маърузада 2011 йил яқунлари ҳамда 2012 йил учун белгилаб берилган мамлакатимиз тараққиётининг устувор йўналишлари, мақсад-вазифалари ёритилган. Қишлоқ хўжалигини ривожланиш даражасини белгиловчи кўрсаткичлар кенг таҳлил этилган. Қишлоқ хўжалигини эришган

¹Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни. 2004 йил 26 август.

²<http://www.press-service.uz/uz/news/4875/> - Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримовнинг Мамлакатимизни 2013-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

³<http://www.press-service.uz/uz/news/778/> - Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримовнинг 2011-йилнинг асосий яқунлари ва 2012-йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

ютуқлари ва ривожлантиришнинг устувор вазифалари белгилаб берилган.

Каримов И. А. "Жаҳон молиявий –иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари"⁴ (2009.) Бу китобда инқирозни бартараф этиш учун халқ хўжалигининг барча сохалари сингари қишлоқ хўжалигининг аҳамияти катта эканлиги кенг ёритилган. Қишлоқ хўжалиги миллий иқтисодиётга асосий валюта олиб келадиган сахалардан бири эканлиги алоҳида айтилган ва бу сохада мавжуд муаммоларни бартараф этиб уни янада ривожлантириш кераклиги таъкидлаб ўтилган.

Асосий вазифамиз–Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир⁵. – Президент Ислом Каримовнинг 2010 йилнинг асосий яқунлари ва 2011 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январ.

Шунингдек, асарда фактик материаллар асосида мамлакатимизнинг хуррият остонасида турган кезларида собиқ шўроларнинг халқимизга нисбатан амалга оширган қабих ва разил ниятлари, мамлакат раҳбарига нисбатан уюштирган фитна-бўхтонлари ва шундай таҳликали вазиятда юртимизнинг истиқлолга эришгани тўғрисидаги воқеа ва ҳодисаларнинг мазмун-моҳияти очиб берилган. Биз ҳам ўз битирув малакавий ишимизда ушбу асардан дастур сифатида фойдаландик.

Ғ.А.Саматов, И.Б.Рустамова, У.А.Шерипбаеваларнинг “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва менежменти”⁶ (2012) дарслигида, агросаноат мажмуасининг мамлакат иқтисодиётининг кўп тармоқли тизимидаги ўрни, қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятининг ташкилий иқтисодий асослари, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини башорат қилиш ва режалаштириш, қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси, ер-сув ресурслари, меҳнат ресурслари, меҳнат бозори, қишлоқ хўжалигининг моддий-техника ресурслари ва улардан фойдаланиш

⁴Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.

⁵Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. –Т.:Ўзбекистон. 2010.

⁶Саматов Ғ.А., Рустамова И.Б., Шерипбаева У.А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва менежменти. - Т.: "Чўлпон" 2012.

самарадорлиги, қишлоқ хўжалигида шартномавий муносабатларни амалга ошириш асослари, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда инвестициялар ва уларнинг иқтисодий моҳияти, деҳқончилик, чорвачилик тармоқлари иқтисодиёти ва бошқаруви, қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг иқтисодий асослари, ижтимоий ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлигини ошириш йўллари, қишлоқ хўжалиги ялпи ва товар маҳсулотларини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жойлаштириш, ихтисослаштириш ва интеграция жараёнларининг иқтисодий моҳияти, шу билан бирга агрофирмаларни ташкилий иқтисодий асослари ва уларни бошқариш масалалари ёритилган.

Ғ.А. Саматов, Ж.Ёдгоров, И.Рустамоваларнинг «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш»⁷ (2005) дарслигида иқтисодиётни эркинлаштириш ва қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштириш шароитида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг илмий-амалий асослари, деҳқончилик ва чорвачиликни жумладан асаларичиликни ташкил этиш, меҳнат мотивацияси, моддий техника таъминоти, ресурслардан оқилона фойдаланиш, товар маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг янги технологиялари ва инфратузилмалар фаолиятини мувофиқлаштирган ҳолда ўзаро ташкил этиш, иқтисодий самарадорлик тамойиллари ва механизмлари ўз ифодасини топган.

А.Абдуғаниев, А.А.Абдуғаниевларнинг «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти»⁸ Т.: (2004). Бу дарсликда қишлоқ хўжалигида эркин бозор муносабатларини шакллантиришнинг назарий, услубий ҳамда амалий асослари, кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талаблари асосида ёритилган. Тармоқда амалга оширилаётган ташкилий ва иқтисодий ислохотларнинг мазмун ва моҳияти Республика Президенти И.А. Каримов асарларига ва амалиётдаги меъёрий ҳужжатларга асосланган ҳолда баён этилган. қишлоқ хўжалигида мавжуд бўлган моддий-техника ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати, корхоналар, тармоқларнинг ривожланиши, иқтисодий самарадорлиги илмий

⁷Саматов Ғ.А , Ёдгоров Ж.Ё, Рустамова И.Б. “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш” Т. Тош.ДАУ ,2005.

⁸Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А.Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. - Т.: «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси», 2004 й.

жихатдан асосланган ҳолда таҳлил қилиниб, келажакда уларнинг самарадорлиги юксалишини таъминловчи омиллар батафсил кўрсатилган

Умурзоқов Ў.П., Тошбоев А.Ж., Тошбоев А.А. “Фермер хўжалиги иқтисодиёти”⁹ (2008 й.) Бу ўқув қўлланмада фермер хўжаликларида эркин бозор муносабатларини шакллантиришнинг назарий, услубий ҳамда амалий асослари ёритилган. Фермер хўжалигида моддий-техника ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати, иқтисодий самарадорлиги, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, маҳсулот таннархини пасайтириш илмий жихатдан асосланган ҳолда таҳлил қилиниб, уларнинг самарадорлиги юксалишини таъминловчи омиллар батафсил кўрсатилган. Шубилан бирга қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларини техник – технологик жихатдан янгилаш самарадорлиги – меҳнат унумдорлигини ошиши, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, ишлаб чиқариш фондларининг қайтими, ишлаб чиқариш фондларининг сиғими, фойданинг кўпайиши, таннархнинг пасайиши каби масалалар назарий жихатдан кенг таҳлил этилган.

Жўраев Ф. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш¹⁰. Тошкент. «Истиклол». 2004. Таниқли иқтисодчи олим, проф. Ф.Жўраев томонидан бу дарсликда қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқариш муносабатларини бозор тизими асосида шакллантиришнинг долзарб масалалари, турли хил шаклидаги корхоналарни ташкилий–хўжалик асослари, хусусан фермер хўжаликларини янги концепция асосида шакллантириш ва ривожлантириш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги тизими ва шунга ўхшаш долзарб муаммоларни ўрганишнинг назарий ва амалий асослари баён қилинган.

Исмоилов А., Муртазаев О. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти¹¹. Тошкент. 2005. Бу дарслик 33 та бобдан ташкил топган. Жумладан дарсликнинг 10 боби қуйидагича номланади: «Ер–сув ресурслари ва улардан самарали фойдаланиш». Дарсликда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иккинчи хусусияти ҳақида сўз юритилиб қуйидагилар таъкидланади «бу тармоқда бош ишлаб чиқариш

⁹Умурзоқов Ў.П., Тошбоев А.Ж., Тошбоев А.А. Фермер хўжалиги иқтисодиёти. – Т.: Иқтисод-Молия, 2008 й.

¹⁰Жўраев Ф.Ж. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш.-Т.:«Истиклол», 2004.-344 б.

¹¹Исмоилов А.Қ., Муртазаев О. Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти. -Т.: Шарқ, 2005.-436 б.

воситаси ер ресурслари ҳисобланади. Меҳнат жараёни ва маҳсулот ишлаб чиқариш қишлоқ хўжалигида бевосита ер билан, унинг сифати, ундан фойдаланиш жараёни билан боғлиқ. Биз малакавий битирув ишини ёзишда «Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг умумий масаллари» номли бобида ёритилган «Иқтисодий самарадорлик тушунчаси ва унинг кўрсаткичлари ва мезони», «Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари», «Иқтисодий самарадорликни ошириш омиллари» мавзуларидан, шунингдек «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг рентабеллиги ва уни ошириш имкониятлари» деб номланадиган 20-бобнинг «Рентабеллик тушунчаси, кўрсаткичлари ва уларнинг ҳисоблаш усуллари» ва «Рентабелликни ошириш омилларидан оқилона фойдаланиш» мавзуларда ёритилган услублардан фойдаландик.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлиги умумий кўринишда ишлаб чиқаришнинг натижаси, жонли ва буюмлашган меҳнат харажатлари ўртасида нисбат билан ифодаланилади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши иқтисодий самарадорлигини оширишнинг объектив зарурлиги мамалакат иқтисодий ривожланишининг ҳозирги бир қатор хусусиятлари ва доимий ҳаракатдаги омилларнинг йиғиндисига боғлиқ

Олимжонов О. ва бошқалар. Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари¹². Тошкент. «Университет» 2005. Бу фермер хўжаликлари раҳбарларига мўлжалланган. У қўйидаги 4 та боблардан ташкил топган: «Фермер хўжалигида фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари», «Фермер хўжаликлари фаолияти қонун ҳимоясида», «Фермер хўжалиги фаолиятини ташкил қилиш», «Фермер хўжалигида шартномавий муносабатлар». Жумладан шу китобга сўз боши ёзган ЎзР Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари А.Жўраевнинг фикрини келтирамиз: «... Ислоҳатларнинг учинчи босқичи 2000 йилдан бошланди. ... Бу босқичда фермер хўжаликларини, биринчи навбатда паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарни фермер хўжаликларига айлантириш асосида

¹²Олимжонов О. ва бошқалар. Фермерлик фаолиятини ҳуқуқий ва молиявий асослари. –Тошкент.: «Университет», 2005.-212 б.

қайта ташкил этиш механизми жорий этилиши баён қиланган.

Интернет. Иқтисодий ахборот ресурслари.

1-БОБ. ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ЎРНИ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ХУСУСИАТЛАРИ

1.1. Жаҳон қишлоқ хўжалигининг назарий асослари

Жаҳон қишлоқ хўжалиги жаҳонда моддий ишлаб чиқаришнинг асосий ва энг қадимги тармоқларидан бири бўлиб, аҳолига озиқ-овқат маҳсулотларининг аксарият қисмини ва саноат учун хом ашёнинг анчагина қисмини етказиб беради. Қишлоқ хўжалиги асосан иккита йирик тармоқдан – деҳқончилик ва чорвачиликдан иборат. Бу икки соҳа аҳоли учун деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етказиб беради. Қишлоқ хўжалиги ўсимлик ва чорвачилик маҳсулотларини дастлабки қайта ишлайдиган бир қанча тармоқларни ҳам ўз ичига олади.

Жаҳон мамлакатлари қишлоқ хўжалиги ўзига хос ички ва ташқи шароит таъсирида кечади. Ички шароитга мамлакат доирасида табиий, иқтисодий, ижтимоий шароитларни агротехника ва ихтисослашу киради. Ташқи шароит халқаро муносабатлар, савдо, қўшма корхоналар, иқтисодий муносабатлар, ишчи

кучлари миграциясини ўз ичига олади.

Шунга кўра, жаҳон қишлоқ хўжалиги Домбравский маълумоти бўйича 7 туманга бўлинади:

1. Африканинг Жанубий Саҳроси;
2. Шимолий Африка ва Яқин Шарқ мамлакатлари;
3. Жанубий ва Шарқий Осиё;
4. Австралия ва Океания;
5. Жанубий ва Марказий Америка;
6. Шимолий Америка;
7. Европа мамлакатлари.

Қишлоқ хўжалиги аҳоли асосий озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш билан биргаликда енгил саноат учун маълум миқдорда хом ашё ҳам етказиб беради. Бироқ қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ўсишига номутаносиб равишда жаҳон аҳолисининг маълум қисми, ҳатто ўнлаб, айрим ҳолларда юз миллионлаб аҳоли тўйиб овқат емайди.

Буларга ривожланаётган мамлакатлар ва иқтисодий жиҳатдан кам таъминланган мамлакатларнинг аҳолиси киради. Шунга боғлиқ ҳолда озиқ-овқат билан таъминланиши ўсиш даражасини аҳоли ўсиш даражасига нисбатан 2 фоиз эмас, балки 3,5-4 фоизга етказиш зарур.

Ер шари иқтисодий фаол аҳолисининг 60 фоиздан ортиғи қишлоқ хўжалигида банд, агар қишлоқ хўжалигига ёрдам берувчи ёш ва кексаларни ҳисобга олсак унда жаҳон аҳолисининг 2/3 қисми қишлоқ хўжалиги соҳаларига тўғри келади.

Ҳозирги вақтда ҳам Африка ва Осиёни кўпгина давлатларида аҳолининг 70 фоиздан ортиғи қишлоқ хўжалигида банд. Айрим давлатларда, масалан: Ғарбий Африка 95 фоиз аҳоли қишлоқ хўжалигида банд.

Саноатлашган ва иқтисодий ривожланган мамлакатларда қишлоқ хўжалигида банд аҳоли салмоғи камайиб бормоқда.

АҚШда ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигида 3 фоиз аҳоли, Буюк Британияда эса 2 фоиздан камроқ аҳоли қишлоқ хўжалигида ишлайди.

Қишлоқ хўжалиги икки асосий тармоққа бўлинади:

1. Зироатчилик
2. Чорвачилик.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг географик жойлашишига асосий таъсир кўрсатувчи омиллардан бири у ёки бу давлатнинг ижтимоий-иқтисодий муносабатлари ҳисобланади. АҚШ, Канада, Англия, Ғарбий Европа давлатларининг қишлоқ хўжалиги охириги ўн йилликда капиталистик ривожланишнинг умумий оқими ва ҳозирги замон саноат иқтисодиётининг ажралмас қисми бўлиб қолди.

Қишлоқ хўжалигини жойлашишига табиий шароит катта таъсир кўрсатади, унинг ривожланиши учун ёруғлик, иссиқлик, намлик ва тупроққа озуқа моддалари зарур. Қулай агроиклим, сув, тупроқ ресурслари куруқликнинг ҳамма жойида ҳам учрамайди. Тупроқ масалан, бир турдаги қишлоқ хўжалик экини учун қулай бўлса, бошқаси учун эса ноқулай бўлиши мумкин.

Қутб мамлакатлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун унчалик қулай эмас. Субтропик ва тропикларда эса иссиқлик ва ёруғликнинг кўп бўлиши билан, намлик етишмайди. Денгиз иқлимига хос мамлакатлар, яъни мўътадил иқлимли мамлакатларда намлик етарли аммо иссиқлик етишмайди.

Қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигига иқлим шароити етарли таъсир кўрсатиб келмоқда. Табиат инжиқликлари деҳқончиликка катта зарар етказмоқда. Ер шарининг айрим қисмларида ноқулай қиш, қировлар, об-ҳавони кескин ўзгариши, қурғоқчилик, дўл, сел, кучли шамоллар ва бошқалар буларнинг ҳаммаси дунё қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши маҳсулот ҳажмига таъсир кўрсатади.

Қуйидаги 1.1-жадвалда жаҳон қишлоқ хўжалиги ривожланиши иқтисодий кўрсаткичлари келтирилган.

1.1-жадвал

Қишлоқ хўжалиги ривожланиши кўрсаткичлари (%)¹³

Мамлакатлар	Қишлоқ хўжалигида бандлик (фоизда)	ЯИМ қишлоқ хўжалигининг улуши (%)
-------------	------------------------------------	-----------------------------------

¹³www.fao.org

АҚШ	2	1,2
Канада	3	2,2
Япония	5	1,3
Франция	2	2,5
Италия	5	2,2
Австралия	4	8,3
Россия	10	5,0
Польша	18	3,0
Бразилия	20	10,1
Миср	27	13,9
Индонезия	43	16,2

Микроиклим хусусиятлари, ҳатто районларнинг ҳам об-ҳаво хусусиятлари фарқланганлиги учун ҳам экинларни танлашда уларни инобатга олиш ва агротехника қоидаларига риоя қилиш зарур. Қишлоқ хўжалиги жойлашишига унинг тармоқлари ихтисослашиши ҳам таъсир кўрсатади.

Баъзи қишлоқ хўжалиши маҳсулотларининг турли районларда ишлаб чиқариш ҳам уларнинг транспорт-географик ҳолатига, истеъмолчига яқинлиги ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг қайта ишлашига ҳам боғлиқ.

Жумладан, кофе, какао плантациялари одатда денгиз соҳилларига, дарё ва темир йўл яқинларига жойлаштирилади, чунки бу экинларни ишлаб чиқариш экспорт йўналишига мўлжалланган. Техника тараққиётига қарамасдан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ривожланган мамлакатларда ҳозир ҳам бир хилда эмас, айниқса бу ҳолат ривожланаётган давлатларда, ҳосилсиз йилларда очликка ва дунё иқтисодиётини бошқа ёмон ҳолатларга олиб келади (нархларни ўсиши, захираларни камайиши ва бошқалар) буларни бартараф қилиш кўп вақтни талаб қилади.

Ривожланаётган мамлакатларда маҳсулот ишлаб чиқариш суръати, аҳоли ўсиш суръати билан баробар, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотларини яхшилаш, ўзининг ишлаб чиқариши ҳисобига бу мамлакатларда йўқ. Шунинг учун ҳам очлик ва тўйиб овқат емаслик даражасини пастлигини ҳисобга олиш керак. Аҳоли зич жойлашган районларда бўш ерларни танқислиги туфайли кам капитал маблағлар сарф қилиш ҳисобига экстенсив дунё қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш чеклангандир. Айрим ҳолларда эса йирик ер эгалари

томонидан ерларни ўзлаштириш сунъий равишда ер ресурслари танқислигини юзага келтириш мақсадида тўхтатилади, ижара ҳақини оширади ва арзон иш кучини таъминлаш мақсадида қилади.

Лотин Америкаси, тропик Африка мамлакатларида ва бошқа районларда мавжуд бўлган йирик бўш ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш учун кўплаб маблағлар талаб қилинади (юксак техника базасида), қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда ва унга яқин ҳисобланган – транспорт, аҳолини жойлаштириш, сув таъминоти, мелиорация ва ҳоказоларни ҳам инобатга олиш зарур. Бундай кенг миқёсли ишларни ривожланаётган мамлакатлар фақатгина биргаликда, уюшган ҳолдагина бажаришлари мумкин.

Ривожланган мамлакатларнинг қишлоқ хўжалиги илмий техника революцияси билан боғлиқ бўлиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга, импортни қисқартириб ёки тўхтатишга имкон берибгина қолмай, ўзлари экспорт қила бошладилар. Масалан: АҚШ – соя; Франция – бўғдой ва шоли; Германия, Франция – қуруқ сут; Япония – шоли ва ҳоказо.

Натижада охириги 15-20 йил ичида ривожланган мамлакатларни дунё озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича салмоғи ўсди, аксинча ривожланаётган мамлакатларнинг салмоғи бирмунча қисқради.

Ривожланаётган мамлакатларнинг кўпига хос бўлган хусусиятлардан бири тўйиб овқат емаслик ва очарчиликнинг кенг тарқалиши фақатгина табиий шароитнинг ноқулайлиги сабабли ёки аҳолини “юқори” табиий ўсиши билан боғлиқ эмас. Балки, ҳозирги замон техника тараққиётининг сустиги қишлоқ хўжалигининг жойлашишига боғлиқдир.

Бундан ташқари ривожланаётган мамлакатларнинг умумий иқтисодий қолоқлик даражаси маҳаллий ноқулай табиий шароитларни яхшилаш имкониятларини бермаяпти натижада ишлаб чиқаришни ривожлантиришга имконият яратилмаяпти.

Қолоқликнинг асосий илдизи ўтмишда бу мамлакатларнинг ривожланган мамлакатларга қарам қилиш ва ҳозирда ҳам уларни хом ашё етказиб берувчи

бўлиб қолишига интилиши билан боғлангандир.

1.2. Ривожланган мамлакатлар қишлоқ хўжалиги ва уни ривожланиш хусусиятлари

Ривожланган мамлакатларга АҚШ, Буюк Британия, Япония, Германия, Франция, Италия каби мамлакатлар киради. Жаҳон худудининг 8фоизини банд этган бу мамлакатларда ер юзи аҳолисининг 14фоизи яшайди. Юқорида айтиб ўтилган мамлакатлар биринчи гуруҳни ташкил этади. 2-гуруҳ мамлакатларга Швеция, Швейцария, Греция, Туркия, Канада, Австрия, Янги Зеландия, Жанубий Африка каби мамлакатлар киради.

Ривожланган мамлакатлар қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, уларда фан-техника ютуқларидан фойдаланиш, хўжаликларни йириклаштириш талаб этадиган саноатлашиш, концентрациялаш жараёни кучайиши натижасида фермер хўжаликлари ривожланиб борди. АҚШ жаҳон бўйича қишлоқ хўжалик маҳсулотининг асосий экспортёридир. Бугдой экспортининг 45 фоизи, макка донининг 55 фоизи ва пахтанинг 33 фоизи АҚШ ҳиссасига тўғри келади. Йирик мамлакатлар конъюнктурасини сақлаб қолиш мақсадида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни субсидияламоқда. Масалан, Англияда субсидия тариқасида фермерларга азот ва фосфор ўғитлари қийматининг 40-50 фоизи берилади. Францияда субсидия ҳисобига суғориш ишларига сарф этилган маблағнинг 52 фоизи, электрлаш ишлари сарфининг 45 фоизи ва йўл қурилиши ишлари харажатлари қопланади.

Ривожланган мамлакатларда интенсивлаштириш ҳисобига майда фермерлар тугатилиб, йирик хўжаликлар тикланмоқда. АҚШда охириги 20 йил мобайнида 2,8 миллион майда фермер тугатилди. Ривожланган мамлакатларда вертикал интеграция жорий этилмоқда. Бунда ишлаб чиқаришнинг ҳамма босқичи (маҳсулотларни етиштириш ва сотиш) шартнома асосида амалга оширилмоқда. Ривожланган давлатларда экинлар ҳосилдорлиги ошиб бормоқда. Дон экинларининг ўртача ҳосилдорлиги гектарига 15,4 фоиз бўлган бўлса, тараққиёт натижасида Англияда 45фоизга, Францияда 60 фоизга, Италия 60 фоизга,

Японияда 50 фоизга етди.

Иқтисодий жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар қишлоқ хўжалиги жаҳон қишлоқ хўжалигида ҳукмрон мавқени эгалламоқда. Ривожланган мамлакатлар фермер хўжаликларига иқтисодий муносабатлар, тараққиёт жараёни кескин равишда тезлашди ва давлат томонидан қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш кучайди. Ривожланган давлатларда бу жараён комплекс механизация, ишлаб чиқаришни электрлаштириш ва автоматлаштиришни жорий этиш негизига қишлоқ хўжалигининг техника базасини тубдан қайта қуриш билан бир вақтда рўй берди. Ғарбий Европа мамлакатлари, Скандинавия қишлоқ хўжалиги ўз тараққий этириш йўлини АҚШ босиб ўтган йўлдан олиб борди. Бу мамлакатларда кейинги йилларда янги техникани жорий этиш натижасида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини кенгайтириш жараёни кучайди. Ривожланган мамлакатлар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши унинг интенсивлиги юксак даражадаги ихтисослашиш, механизация билан фарқланади, бу ҳудудларда саноат тез суръат билан ривожланди.

Ривожланган давлатларда фермер хўжаликларининг ташкил этилиши узок давом этган мураккаб жараён бўлди. Оилавий фермер хўжаликлари асосан оила аъзолардан ташкил топади. Улар айрим ҳоллардагина ёлланма меҳнат ресурсларини жалб этадилар. Қишлоқ хўжалигида фермерлар ҳажми улар томонидан бир йилда етиштирилган маҳсулотни сотиш ҳажми билан белгиланади.

Ривожланган давлатларда фермерлик ҳаракати қишлоқ аҳолисининг онгу тафаккури, дунёқараши, ишга, ҳаётга муносабатини бутунлай ўзгартириб, ўз кучи ва имкониятларига бўлган ишончини мустаҳкамлади, уларнинг сиёсий, ҳуқуқий, маъданий савияси ва ижтимоий фаоллигини оширди.

Охириги 20 йиллар мобайнида ривожланган мамлакатлар қишлоқ хўжалиги кескин ўзгарди. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ер майдонлари қисқармоқда. Мамлакат қишлоқ хўжалигида вертикал интеграция, яъни ихчамлашув, интенсивлаштириш жорий этилмоқда. Паррандачилик, гўшт, сут,

буғдой етиштириш каби тармоқлар саноат негизига кўчирилган. Қишлоқ хўжалигининг саноатлаштирилиши, ишлаб чиқариш кучларининг саноат даражасига кўтарилиши шунга олиб келдики, қишлоқ хўжалиги эндиликда ўз мустақиллигини йўқотди ва тармоқлар мажмуининг ажралмас таркибий қисми бўлиб қолди. У агробизнес, агросаноат мажмуи номини олди.

Ривожланган мамлакатларда механизациянинг юксак даражадалиги фан ютуқларидан кенг фойдаланиш ва тор доирада ихтисослашишни вужудга келтирмоқда.

Ривожланган давлатларда қишлоқ хўжалиги миллий иқтисодиётда иккинчи даражали бўлса ҳам, юксак даражада тараққий этганлиги билан ажралиб туради. Кейинги йилларда юксак товар хўжаликлари сонининг кўпайиши, шунингдек, ўғитлардан фойдаланиш натижасида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажми ортиб бормоқда. Жаҳон қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспортини 70 фоизи ривожланган давлатлар ҳиссасига тўғри келади.

Ривожланган давлатлар қишлоқ хўжалигини ривожланиш хусусиятлари:

- аграр ислохотларнинг тўғри олиб борилиши, охирига етказганлиги;
- фермер хўжаликларида фан-техника ютуқларидан кенг фойдаланиш;
- интенсив қишлоқ хўжалигини ташкил этилганлиги унинг натижасида ишлаб чиқаришни кенг миқёсда механизациялашганлиги, автоматлаштирилганлиги ва электрлаштирилганлиги;
- фермер хўжаликларида давлат томонидан субсидияларнинг ажратилиши;
- экспортнинг ривожланганлиги;
- фермер хўжаликларини тор доирада ихтисослашганлиги;
- фермер хўжаликларида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, сотиш, қайта ишлаш тизимини ривожланганлиги;
- агротехниканинг ривожланганлиги, ҳосилдорликнинг юқорлиги, тупроқ унумдорлиги ошиб бориши;
- меҳнат ресурслари бандлик даражасининг пастлиги, меҳнат унумдорлигининг юқорилиги ва бошқалар.

Ривожланган мамлакатлар қишлоқ хўжалиги тармоғи ўз аҳолисини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлабгина қолмай, бу турдаги маҳсулотларнинг кўп қисмини ташқи бозорга ҳам чиқарадилар.

1.3. Ривожланаётган мамлакатлар қишлоқ хўжалиги ва уни ривожланиш хусусиятлари

Ривожланаётган мамлакатлар сирасига Осиёдаги барча мамлакатлар (Япония ва Исроилдан ташқари), Африкадаги барча мамлакатлар (Жанубий Африка Республикаси бундан мустасно), шунингдек, Лотин Америкаси мамлакатлари киради. Шундай қилиб, бу тизим дунёдаги 100 дан ортиқ мамлакатларни ўз ичига олади. Ер юзидаги куруклик ва аҳолининг катта қисми шу мамлакатларга тўғри келади.

Ривожланаётган мамлакатларда қишлоқ хўжалиги (Жазоир, Эфиопия, Ангола, Конго, Афғонистон, Ироқ, Сурия, Кампучия) паст даражада ривожланмоқда, бошқа давлатлар (Ҳиндистон, Покистон, Марокко, Тунис, Бразилия, Мексика ва бошқалар) қишлоқ хўжалиги тўғри тараққий этмоқда.

Осиё, Африка, Лотин Америкаси мамлакатлари қишлоқ хўжалиги улардаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий шароитнинг ўзига хослиги билан белгиланади. Уларда қишлоқ хўжалиги паст даражада ривожланмоқда. Ривожланаётган мамлакатлар қишлоқ хўжалигида аҳолининг кўп қисми қишлоқ хўжалигида банд. Ривожланган давлатларда Ҳиндистонда меҳнат ресурсларининг 68 фоизи, Индонезияда 70 фоизи, Кенияда 84 фоизи, Малида 91 фоизи қишлоқ хўжалигида меҳнат қилади. Айрим мамлакатларда (Ҳиндистон, Бирма, Индонезия ва бошқалар) давлат сектори муайян аҳамиятга эга. Бир қанча мамлакатлар (Жазоир, Тунис, Миср, Эрон ва бошқалар)да ишлаб чиқариш кооперативлари рағбатлантирилади.

Аграр ислохотлардан мақсад ер эгаллигининг энг катта меъёрини белгилашдан иборат. Лекин кўпчилик ҳолларда ер ислохоти натижасида товар ишлаб чиқариши катта ер эгалари кўлида сақланиб қолмоқда. Қишлоқ хўжалиги учун ер билан кам таъминланганлик, иш унумининг пастлиги (аҳоли жон бошига ўрта ҳисобда ривожланган мамлакатлардагига нисбатан 2,5 марта кам қишлоқ

хўжалик маҳсулоти тўғри келади), кўпгина мамлакатларда ҳозирги замон техникасидан, ўғитлардан, ўсимликларни химоя қилиш воситаларидан ва бошқалардан фойдаланмаслик, экинлар ҳосилдорлиги ва чорва моллари маҳсулдорлигининг пастлиги характерлидир. Дон экинларининг гектаридан олинадиган ўртача ҳосил Африка мамлакатларида 10,3 ц., Осиё мамлакатларида 15,5 ц., Жанубий Америка мамлакатларида 14,9 ц.га тенг бўлган. Бир бош сизирдан ўрта ҳисобда йилига Бирмада 750 килограм, Ҳиндистонда 450 килограм, Индонезияда 2500 килограм сут соғиб олинди. Қишлоқ хўжалик техникасидан тўғри ривожланиб бораётган давлатлар хўжаликлари фойдалана олади. Ривожланаётган давлатларда кўпчиликни ташкил қиладиган паст ривожланиб бораётган фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалик техникасини сотиб олишга қодир эмас. Ривожланаётган давлатлар қишлоқ хўжалигининг ҳозирги аҳволини қурғоқчиликка бардош бера оладиган серҳосил буғдой, шоли, маккажўхори навларини яратиш, ана шу экинлар майдонини кенгайтириш, минерал ўғитлардан фойдаланиш йўли билан яъни яшил инқилоб воситасида яхшилаш учун катта ҳаракатлар қилинмоқда. Бу давлатларда ўз ғалласи билан мамлакат эҳтиёжини тўла таъминлайолмайди. Аҳоли жон бошига ғалланинг кам етиштириш ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг секинлик билан ўсиши бу мамлакатларни чет эллардан кўпроқ озиқ-овқат маҳсулотларини келтиришга мажбур этмоқда, уларга қарам қилиб қўймоқда. Бундай ҳол доимо бўлган, озиқ-овқат таъминоти муаммоси муҳим ҳисобланган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотларига кўра, Узоқ ва Яқин Шарқ мамлакатларида, Африкада қишлоқ хўжалигининг паст даражада ривожланиши натижасида аҳолининг 20-25%и очликдан қийналмоқда. Озиқ-овқат муаммосининг ҳал қилиниши туб аграр ислохотлар ўтказиш ҳамда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришни талаб этади. Жаҳон ривожланаётган давлатларида қишлоқ хўжалигидаги ушбу муаммолар билан боғлиқ мураккаб вазият юзага келаётгани жиддий ташвиш ва хавотир уйғотаётганини кўрсатмоқда. Бугунги кунда мазкур муаммо жаҳон ҳамжамияти учун ўта долзарб ва жиддий таҳдидлар қаторига киритилмоқда.

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда дунёда 840 миллиондан ортиқ киши, яъни деярли ҳар саккиз одамнинг бири тўйиб овқатланмаяпти, сайёрамиз аҳолисининг 30 фоизидан зиёди тўлақонли равишда овқатланмаслик, энг асосий микроэлемент ва витаминлар етишмаслиги муаммосини бошидан кечирмоқда. Ана шундай сабаблар туфайли 160 миллиондан ортиқ бола бўйининг ўсиши, жисмоний ва интеллектуал ривожланишига доир камчиликлардан азият чекмоқда.¹⁴ Инқироз билан боғлиқ воқеалар туфайли жаҳон миқёсида нарх-наво кўтарилиб, озиқ-овқат таъминотида узилишлар юзага келгани Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг кўплаб давлатларида қишлоқ хўжалигидаги беқарорлик нисбатан жиддий хавф-хатарга айланган эди.

Ер юзи аҳолисининг тез кўпайиб бораётгани билан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш имкониятлари чеклангани ўртасидаги тафовут қишлоқ хўжалигини ривожлантириш дастурини ҳал этиш масаласини йилдан-йилга муҳим эканлигини белгилаб бермоқда.

Айрим ривожланаётган давлатларда озиқ-овқат муаммоси ҳал қилиниши у ёқда турсин, хатто кескинлашди, чунки ишлаб чиқариш аҳоли сонининг ўсиш суръатига нисбатан секин ривожланмоқда.

Қишлоқ хўжалигининг асосий экспорт тармоқлари кофе, какао, шакарқамиш қанди ва пахта етиштириш, маккажўхори, маниок ва дуккаклилар ривожланаётган давлатларда етиштирилади. Ана шу экинлар ҳозиргача ҳам биринчи даражали аҳамиятга эга, лекин улар ўртасидаги нисбат бироз ўзгарди. Кейинги ўн йиллар ичида экспорт қилинадиган экинлар майдони деярли ўсмаётир. Бундан ташқари ривожланаётган давлатларда шолчилик катта аҳамиятга эга. Бунинг сабаби, биринчидан, қишлоқ хўжалигининг экспортга хизмат қиладиган тармоқлари рақобати бўлса, иккинчидан, мамлакатлар аҳолисининг тез ўсиши ва озиқ-овқат муаммосида катта аҳамиятга эга эканлигидир. Ривожланаётган давлатларда четдан кўпгина озиқ-овқат маҳсулотлари келтирилмоқда.

¹⁴“Ўзбекистонда озиқ овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари” мавзусидаги маърузаси. 07.06.2014

Ривожланаётган давлатларда мамлакат ялпи маҳсулотининг учдан бир қисми қишлоқ хўжалигида ҳосил қилинади.

Ривожланаётган давлатларда аграр ислохотлар охиригача етказилган эмас. Аграр масала ҳамон асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Қишлоқ хўжалигининг тармоқлар тузилмаси кейинги йигирма йил ичида сезиларли даражада ўзгарди – буғдой ва шоли майдони шимолий ва шимоли - ғарбий районларда анча кенгайди. Натижада Мексикага четдан камроқ ғалла келтириладиган бўлди. Буғдойдан сўнг мамлакатнинг асосий озиқ-овқат экини бўлган маккажўхори, дуккакдилар, хусусан, ловия катта аҳамиятга эга. Пахта экспортда муҳим ўрин тутди. Пахтадан ташқари толали хенекен (дунёда ишлаб чиқариладиган хенекен толасининг 90%ини Мексика беради), шакарқамиш, кофе, банан, ананас ва бошқа тропик экинлар экспортда муҳим ўрин тутди.

Ривожланган давлатларда қишлоқ хўжалигининг агротехник даражаси ривожланган давлатларга нисбатан паст. Тракторлар сони (100 мингдан ортиқ) жиҳатидан Аргентина Лотин Америкасида биринчи ўринда. Йирик хўжаликларда ҳосилни йиғиб олиш механизациялаштирилган. Чорвачиликнинг маҳсулдорлиги анча юқори. Шунга қарамай, Аргентинада деҳқончилик ва чорвачилик экстенсив характерга эга. Қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи яйлов чорвачилигидир.

Ривожланаётган давлатлардан Африканинг сиёсий харитасида 50 дан ортиқ мустақил давлат мавжуд.

Қишлоқ хўжалиги Африка иқтисодиётининг негизи бўлиб, аҳолисининг бешдан тўрт қисми ана шу тармоқда банд Ялпи. ички маҳсулотнинг учдан бир қисми қишлоқ хўжалигига тўғри келади. Африка дунёга бир қанча қимматли қишлоқ хўжалик товарлари етказиб берадиган қитъадир. Какао, пальма мойи, пальма мағзи, ерёнғоқ, пахта толаси, сизаль, ваниль, қалампирмунчоқ, хурмо етиштиришда ва экспорт қилишда Африка дунёда муҳим ўрин тутди. Кўпгина озиқ-овқат экинлари, аввало, дон экинлари етиштиришда катта мавқега эга эмас. Дунёда етиштириладиган буғдой, маккажўхори, арпанинг 5 –6%и Африкага тўғри келади.

Қишлоқ хўжалиги қолоқ бўлиб, ерга ишлов берадиган техника даражаси

паст аҳволда. Маҳсулдорлик паст. Ер эгалигининг энг кўп тарқалган шакли ердан жамоа бўлиб фойдаланишдир. Бир қанча мамлакатларда ернинг бир қисми давлатга, айрим мамлакатларда қисман деҳқонларга қарашли, товар-пул муносабатларининг ривожланиши билан маҳаллий аҳолининг ердан жамоа бўлиб фойдаланиши аста-секин барҳам топиб, пул билан ижарага олишнинг роли кучайди..

Замонавий қишлоқ хўжалик техникасидан ва ўғитлардан йирик хўжаликларда ёки кооператив хўжаликлардагина фойдаланилади. Кўпгина тропик мамлакатларда ўрмонларни куйдириб ерларга дам бериб, йил оралатиб деҳқончилик қилиш кенг расм бўлган. Қишлоқ хўжалиги техник ва ижтимоий жиҳатдан қолоқ бўлгани учун ҳосилдорлик бу ерда дунёдаги ўртача ҳосилдорликдан икки марта кам. Иқлимнинг қуруқ ва иссиқ бўлиши, ёғиннинг мавсумийлиги натижасида тропик ўлкаларда қишлоқ хўжалиги ерларни суғоришга асосланган. Кўпчилик мамлакатларда суғориш тизимлари хўжаликларнинг мулки бўлиб, деҳқонларни қўшимча равишда харажат қилишга мажбур қилади.

Агроиқлим шароитининг ниҳоятда хилма-хиллиги ва ерларни суғориш Африкада барча экинларни етиштиришга ва йилига 2, 3 ва ҳатто, 4 марта ҳосил олишга имкон беради. Бу ерда асосан тропик ва субтропик экинлар етиштирилади. Қитъада ер фонди катта. Лекин ишланадиган ерлар салмоғи барча ерларнинг 8 фоизидан ошмайди. Африкада яна камида 1 миллиард гектар ерни қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун ўзлаштириш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги 2 йўналишда ихтисослашган: экспорт экинлари етиштириш ва ички эҳтиёж учун озиқ-овқат экинлари етиштириш. Ички бозор учун буғдой, арпа, шоли, тарик ва жўхори экилади. Буғдой ва маккажўхори Жанубий Африканинг субтропик иқлимли туманларида экилади. Арпа асосан Африканинг шимоли-ғарбида ва Мисрда, шоли Миср ва бошқа мамлакатларнинг суғориладиган ерларида, Гвинея Республикаси, Нигерия Сьерра-Леоне, Либерияда, Сенегал ва Танзанияда ҳам экилади.

Тарик ва маккажўхори туб аҳолининг асосий озиқ-овқат экинлари бўлиб,

Африканинг деярли барча қисмларида экилади. Тропик Африка мамлакатларида ғалла билан бир қаторда ички эҳтиёж учун илдизмевали экинлар – маниок, батат етиштирилади.

Африка жаҳонда какао ишлаб чиқаришда ва экспорт қилишда биринчи ўринда туради. Бутун дунёда ишлаб чиқариладиган ва экспорт қилинадиган какаонинг 70%ини Африка беради. Какао Гана, Нигерия, Фил Суяги Қирғоғи мамлакатларида етиштирилади. Африкада (Ангола, Уганда, Эфиопия, Заир, Танзания) анчагина миқдорда кофе, шунингдек, ер ёнғоқ (Нигерия, Сенегал), пахта (Миср, Судан), сизаль (Танзания), табиий каучук (Нигерия, Либерия, Заир), мойли пальма (Ғарбий Африка); зайтун (Шимолий Африка мамлакатлари) етиштирилади. Африка дунёда ишлаб чиқариладиган пальма мағзи ва пальма мойининг бешдан тўрт қисмидан кўпроғини беради ва бу маҳсулотларни экспорт қилишда дунёда биринчи ўринда туради. Дунёда ишлаб чиқариладиган кофенинг бешдан бир қисмидан кўпроғини Африка беради. Зайтун дарахти қитъанинг шимолида субтропик иқлимли денгиз бўйи мамлакатларида: Тунис, Жазоир, Мароккода экилади. Жаҳонда ишлаб чиқариладиган зайтуннинг ўндан бир қисмини Африка беради.

Дунёда етиштириладиган ер ёнғоқнинг учдан бир қисми Африка ҳиссасига тўғри келади. Ер ёнғоқ аксари майда деҳқон хўжаликларида етиштирилади. Лекин ерни қайта ишлаш ва маҳсулот экспорт қилиш чет эл компаниялари қўлида.

Ривожланган давлатларда чорвачилик экстенсив ривожланиш йўлидан бормоқда. Натижада чорвачилик маҳсулотларининг ишлаб чиқариш харажатларини ошиб бориши кузатилмоқда.

Ривожланаётган мамлакатларда аграр аҳоли ҳамон ортиқча, бунинг устига аҳоли сони тез ўсиб борар экан ва бинобарин, қишлоқларда ишсизлик даражаси ҳамон юқори экан, рента нормасини, ижара ҳажмини қисқартириш, қишлоқда амал қилаётган капиталнинг узвий тузилишини кўтариш учун реал шароит йўқ.

Ривожланаётган давлатларда қишлоқ хўжалигининг ихтисослашишида иккита йўналиш таркиб топган:

- экспортбоп хом ашё экинларини етиштириш;

- истеъмол қилинадиган хом ашё экинларини етиштириш.

Сўнги йилларда ривожланаётган давлатлар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг маълум даражада ўсиши кўзга ташланади. Бу эса давом этаётган аграр ислохотлар ҳамда янги агротехниканинг жорий қилиниши натижасидир. Шунга қарамай, деҳқон хўжаликларининг аксари қисми ҳамон натурал ёки ярим натурал хўжалик юритишга мажбур. Бу хўжаликлар бозор билан кам боғланган ва аксари ҳолда ўз эҳтиёжлари қондириш учунгина хизмат қиладилар. Ерлар эски қуроллар билан ишланади. Ривожланаётган давлатларда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши тараққиёти ана шу мамлакатларнинг асосий иқтисодий муаммолари билан чамбарчас боғлиқ. Қишлоқ хўжалигининг ривожланиши моҳият эътибори билан аграр масаланинг нақадар тўғри ва чуқур ҳал қилинишини тақозо этади.

Ривожланаётган давлатларнинг ривожланиш хусусиятлари:

- Ривожланаётган давлатларда аграр ислохотлар охиригача етказилган эмас;
- Фан-техника ютуқларини тадбиқ этиш даражаси паст;
- Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қуллаб-қувватланиши, раҳбатлантириш паст даражада;
- Қишлоқ хўжалигини маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш, сотиш тизими ривожланмаган;
- Қишлоқ хўжалигини маҳсулотлари экспорти фақат хом ашё ҳисобидан;
- Ишлаб чиқариш экстенсив омиллар таъсирида ривожланиши;
- Ишлаб чиқаришни механизациялаштириш, автоматлаштириш, электрлаштириш даражасининг пастлиги;
- Тупроқ унумдорлиги пастлиги, ҳосилдорликнинг пастлиги, сувдан фойдаланишни эски усулларнинг сақланлиги;
- Меҳнат ресурсларнинг бандлиги юқорлиги;
- Меҳнат унумдорлигининг пастлиги ва бошқалар.


2-БОБ. ЖАҲОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЎСИМЛИКЧИЛИК ВА ЧОРВАЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАҲЛИЛИ

2.1. Жаҳон қишлоқ хўжалигида ўсимликчилик ишлаб чиқаришининг жойлашуви ва ихтисослашуви

Донли ўсимликлар банд этган майдон жаҳонда экин майдонларининг 50 фоизини ташкил этади (0,7 млрд. га). 2012 йилда дунёда 1 млрд. тоннага яқин дон етиштирилган. Бу жон бошига 4 центнердан тўғри келди.

Куйидаги жадвалда жаҳон қишлоқ хўжалигида етиштирилган бўғдой давлатлар кесимида таҳлил этилган (2.1-жадвал, 2.1-2.2 расмлар). Жаҳонда бўғдой етиштиришда биринчи 10талик давлатлар қаторига Хитой, Ҳиндистон, АҚШ, Россия, Франция, Германия, Покистон, Канада, Австралия ва Туркия киради. Уларда ўртача йиллик бўғдой етиштириш 0,2-1,15 млрд. тоннадан ошади.

2008-2012 йилларда жаҳон дон маҳсулотлари савдоси 6%га: 2067 млн тоннадан 2195 млн тоннага ошди, 2012 йилда дон маҳсулотларининг экспорти олдинги йилга нисбатан 0,7 фоизга ошган. Бунга сабаб жаҳон аҳолисининг шиддат билан ўсишидир. (2.2-2.4 жадваллар)



2.1-расм. 2012-13 йилларда жаҳон қишлоқ хўжалигида бўғдой етиштириш (давлатлар кесимида, %)¹⁵

2.1-жадвал

2000-2012 йилларда жаҳон қишлоқ хўжалигида бўғдой ишлаб чиқариш¹⁶


Давлатлар	Ишлаб чиқарилган, (минг тонн)										
	2000 йил	2001 йил	2002 йил	2003 йил	2004 йил	2005 йил	2006 йил	2007 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил
Хитой	99 636,13	93 873,23	90 290,26	86 488,26	91 952,24	97 445,20	108 466,27	109 298,30	112 463,30	115 115,36	115 180,30
Ҳиндистон	76 368,90	69 680,90	72 766,30	65 760,80	72 156,20	68 636,90	69 354,50	75 806,70	78 570,20	80 680,00	80 710,00

¹⁵www.fao.org

¹⁶www.fao.org

АҚШ	60 757,49	53 001,00	43 705,00	63 813,91	58 737,80	57 280,26	49 489,60	55 822,70	68 026,40	60 365,70	60 102,60
Россия	34 455,49	46 982,12	50 609,10	34 104,29	45 412,71	47 697,52	44 926,88	49 367,97	63 765,14	61 739,80	41 507,60
Франция	37 353,40	31 540,33	38 939,20	30 474,74	39 692,94	36 885,50	35 363,60	32 763,50	39 001,70	38 332,20	38 207,00
Германия	21 621,55	22 837,84	20 817,74	19 259,81	25 427,21	23 692,70	22 427,90	20 828,08	25 988,60	25 192,40	24 106,70
Покистан	21 078,60	19 023,70	18 226,50	19 183,30	19 499,80	21 612,30	21 276,80	23 294,70	20 958,80	24 033,00	23 310,80
Канада	26 535,50	20 630,20	15 961,30	23 048,60	24 795,50	25 748,10	25 265,40	20 054,00	28 611,10	26 847,60	23 166,80
Австралия	22 108,00	24 299,00	10 132,00	26 132,00	21 905,11	25 173,00	10 822,00	13 039,00	21 397,00	21 656,00	22 138,00
Туркия	21 008,60	19 007,00	19 508,00	19 008,20	21 000,00	21 500,00	20 010,00	17 234,00	17 782,00	20 600,00	19 660,00
Украина	10 197,00	21 348,00	20 556,00	3 599,30	17 520,20	18 699,20	13 947,30	13 937,70	25 885,40	20 886,40	16 851,30
Эрон	8 087,76	9 458,62	12 450,00	13 439,57	14 568,48	14 307,97	14 663,75	15 000,00	10 000,00	13 484,50	15 028,80
Аргентина	16 146,62	15 427,82	12 399,04	14 710,18	16 139,17	12 721,98	14 662,95	16 486,53	8 427,65	8 851,18	14 914,50
Буюк Британия	16 704,00	11 580,00	15 973,00	14 288,00	15 473,00	14 863,00	14 747,00	13 221,00	17 227,00	14 076,00	14 878,00
Козогистон	9 073,50	12 706,80	12 699,98	11 537,40	9 936,93	11 198,40	13 460,50	16 466,87	12 538,20	17 052,00	9 638,40
Польша	8 502,87	9 283,04	9 304,00	7 858,16	9 892,48	8 771,43	7 059,67	8 317,27	9 274,92	9 789,59	9 487,80
Миср	6 564,05	6 254,58	6 624,87	6 844,69	7 177,86	8 140,96	8 274,23	7 379,00	7 977,05	8 523,00	7 177,40
Италия	7 463,97	6 413,30	7 547,76	6 229,45	8 638,72	7 717,13	7 181,72	7 170,18	8 855,44	6 341,00	6 900,00
Ўзбекистон	3 532,00	3 689,80	4 967,40	5 436,80	5 377,51	6 057,20	6 099,30	6 197,40	6 146,50	6 637,70	6 730,40
Бразилия	1 661,53	3 364,95	3 105,66	6 153,50	5 818,85	4 658,79	2 484,85	4 114,06	5 886,01	5 055,53	6 036,79
Румыния	4 456,00	7 764,00	4 421,00	2 479,05	7 812,43	7 340,66	5 526,19	3 044,46	7 180,98	5 202,53	5 811,81
Испания	7 293,62	5 007,70	6 822,16	6 290,10	7 096,72	4 026,69	5 521,58	6 349,50	6 714,30	4 723,90	5 610,70
Дания	4 693,42	4 663,94	4 056,24	4 701,38	4 758,50	4 887,20	4 801,60	4 519,20	5 018,70	5 940,40	5 059,90
Марокко	1 380,70	3 316,38	3 358,68	5 146,84	5 539,84	3 043,08	6 326,76	1 582,63	3 769,45	6 371,43	4 876,14
Афғонистон	1 469,00	1 597,00	2 686,00	3 480,00	2 390,00	4 266,00	3 363,00	4 484,00	2 623,00	5 064,00	4 532,00
Чехия	4 084,11	4 476,08	3 866,47	2 637,89	5 042,52	4 145,04	3 506,25	3 938,92	4 631,50	4 358,07	4 161,60
Болгария	2 781,24	4 077,50	4 122,77	2 003,94	3 961,18	3 478,07	3 301,88	2 390,61	4 632,21	3 976,85	3 994,90
Венгрия	3 692,47	5 196,76	3 910,24	2 941,25	6 006,82	5 088,22	4 376,24	3 988,18	5 653,70	4 419,16	3 763,68
Мексика	3 493,21	3 275,46	3 236,18	2 715,80	2 321,20	3 015,18	3 378,12	3 515,39	4 019,40	4 116,16	3 676,71
Сирия	3 105,49	4 744,62	4 775,44	4 912,99	4 537,46	4 668,75	4 932,00	4 041,10	4 041,10	3 701,78	3 600,00
Бошқалар	40 502,30	45 311,65	46 908,68	45 458,32	52 154,75	50 139,51	48 148,53	47 458,31	49 881,40	53 823,32	50 577,27
ЖАМИ	585 809,07	589 824,43	574 746,71	560 138,47	632 710,10	626 876,13	605 069,29	611 101,66	689 945,71	686 956,56	651 397,90

Структура мирового экспорта пшеницы в сезоне 2012-13 (ноябрьский отчет USDA)



2.2-рasm. 2012-2013 йилларда жахон кишлок хўжалигида бўғдой экспорти (давлатлар кесимида, %) ¹⁷

**2.2-жадвал
2008-2012 йилларда жахонда дон махсулотлари экспорти (млрд долл, %) ¹⁸**

Кўрсаткичлар	2008й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.
Экспорт (млрд долл)	104,0	76,8	82,0	109,8	110,5
Динамикаси (олдинги йилга нисбатан, %да)	-	-26,1	6,7	34,0	0,7

¹⁷www.fao.org

¹⁸www.fao.org

2.3-жадвал

2008-2012 йилларда жаҳонда дон маҳсулотлари экспортитурлари бўйича (млн долл)¹⁹

	2008	2009	2010	2011	2012
Буғдой	44 674	31 812	32 172	46 410	50 107
Тариқ	278	304	248	291	332
Арпа	7 675	4 532	4 940	7 160	6 957
Сули	899	556	577	810	714
Маккажўхори	27 048	19 775	22 954	33 691	34 734
Гуруч	21 080	18 409	19 321	19 141	15 080
Донли сорго	1 709	900	1 115	1 531	1 215
Гречка	58	53	79	110	101
Просо	135	102	123	144	134
Канареечка уруғи	155	99	125	174	155
Бошқа дон маҳсулотлар	264	299	322	348	1 001
ЖАМИ	103 973	76 841	81 979	109 811	110 530

¹⁹www.fao.org

2.4-жадвал

2008-2012 йилларда жаҳонда дон маҳсулотлари экспорти(давлатлар кесимида, млн долл)²⁰

Давлатлар	2008	2009	2010	2011	2012
Австралия	4 384	4 422	4 600	7 303	4 879
Алжир	0	0	2	0	0
Аргентина	6 773	3 215	4 622	8 382	8 694
Бангладеш	0	0	0	0	0
Бразилия	1 931	1 635	2 601	4 033	6530
Буюк Британия	997	717	978	963	1 038
Венгрия	1 792	1 226	1 407	1 737	1 742
Вьетнам	2 905	2 668	3 251	0	3 267
Германия	3 514	2 819	2 673	3 150	3 258
Миср	189	500	395	28	11
Ҳиндистон	3 912	2 987	2 924	5 371	2 309
Испания	723	383	495	568	383
Италия	1 174	865	856	1 059	521
Канада	8 278	6 224	5 577	7 046	7 484
Хитой	673	618	539	609	269
Мексика	619	368	247	342	369
Нидерландия	742	499	395	647	456
Корея Республикаси	1	8	7	7	1
Россия Федерацияси	3135,8	3444,4	2410,9	4458,6	6485,0
Руминия	909	860	1 172	1 467	1 523
Саудия Арабистон	0	0	12	16	0
АҚШ	28 949	17 419	20 084	28 323	27 629
Украина	3 704	3 556	2 467	3 617	2 969
Франция	9 639	6 798	7 678	10 843	11 553
Япония	20	14	28	21	0
Бошқа давлатлар	19 011	15 594	16 557	19 821	19 162
Жаҳондаги барча давлатлар	103 973	76 841	81 979	109 811	110 530

²⁰www.fao.org

2008-2012 йилларда жаҳон дон маҳсулотлари савдоси таркибида макка жўхорининг улуши 37 фоизи, буғдой – 29 фоизни, гуруч – 21 фоизни ташкил этади. Қолган дон маҳсулотлари савдоси 2008-2012 йилларга 7 фоизни ташкил этади. (2.5-жадвал, 2.3-расм)


2012 йилда жаҳон дон маҳсулотлари савдосини юқори ҳажми Хитой, АҚШ ва Ҳиндистонга тўғри келади: Хитой – 20 фоиз, АҚШ – 13 фоиз, Ҳиндистон – 10 фоиз.

2.5-жадвал

2013 йилда маккажўхори етиштиришда ўнталигига кирган давлатлар²¹

- 1АҚШ354 млн т
- 2Хитой218 млн т
- 3Бразилия70 млн т
- 4Европа давлатлари65 млн т
- 5Украина31 млн т
- 6Аргентина24 млн т
- 7Ҳиндистон23 млн т
- 8Мексика22 млн т
- 9Канада14 млн т
- 10ЖАР13 млн т

Структура мирового производства кукурузы в сезоне 2012-13 (ноябрьский отчет USDA)



2.3-расм. 2012-2013 йилларда жаҳон қишлоқ хўжалигида маккажўхори

²¹<http://latifundist.com/rating/top-10-stran-proizvoditelej-kukuruzy>

етиштириш (давлатлар кесимида, %)²²

Шоли ер юзи аҳолисининг 50%и учун асосий озиқ-овқат маҳсулоти берувчи кадимий ўсимлик тури ҳисобланади. Шоли Хитойда эрамиздан 5 минг йил илгари, Ҳиндистонда 2 минг йил илгари пайдо бўлган.

Жаҳон миқёсида дон маҳсулотлари етиштириш даражаси аҳолининг ўсиб бориш даражасидан юқори суръатда ривожланмоқда. Чунончи, жон бошига ҳар йили 3,5-4 центнердан етиштирилмоқда. Доннинг импорт этувчи мамлакатлар Ғарбий Европа мамлакатлари ҳисобланади.

Четга чиқариладиган дон маҳсулотининг 95%и дон ҳолатида, буғдой маҳсулотининг атиги 8%и ун ҳолатида экспорт қилинган. Франция ўзида етиштириладиган доннинг 30%ини экспорт қилади. Уни асосан Европа мамлакатлари (45 млн. т.), Англия, ГФР, Италия, Голландия (5-6 млн. т.), Белгияга (4-5 млн. т.) олади. Доннинг йирик сотиб олувчиси Хитой, Вьетнам, Лаос, Ҳиндистон, Бангладеш, Шри-Ланка, Индонезия ҳисобланади.

АҚШ дон маҳсулотларининг энг катта ҳажмда ишлаб чиқарувчи мамлакатдир. Жаҳон миқёсида етиштириладиган доннинг 15% шу мамлакат ҳиссасига тўғри келмоқда. АҚШ эҳтиёжини тўла таъминлаб, ҳар йили 30-35% донни экспорт қилмоқда. Охириги 10 йилликда АҚШда ҳар йили доннинг ўртача ялпи маҳсулоти 300-350 млн. тоннани, дон маҳсулоти ҳажмининг йиллик ўртача ўсиши 4,4% ни ташкил этди. Бунга асосан экин майдонларини кенгайтириш ҳисобига (11,8 млн. гектар) ҳамда ҳосилдорликни (2010 йилда 35 ц. дан 42 ц. га.) ошириш эвазига эришилган.

Дончилик ривожланиш характериға кўра, 2 гуруҳға бўлинади:

1-гуруҳға: Европа мамлакатларида дончиликнинг ривожланиши;

2-гуруҳға: Жуда оз ерга эға ҳамда аҳолиси зич мамлакатларда дончиликни ривожлантириш.

Европа мамлакатларида ўртача жон бошиға етиштирилаётган ўртача дон миқдори юқори.(4,9 ц.-3,8 ц.). Бу ерда дон экспортға нисбатан кўпроқ импорт

²²www.fao.org

қилинади.

АҚШ, Австралия, Канада мамлакатлари жон бошига дон етиштириш бўйича энг юқори ўринларни эгаллайди (10-11 ц.). Бу мамлакатлар аҳолиси жаҳон аҳолисининг 6,5%ини ташкил этади, етиштириладиган доннинг 20%ини ишлаб чиқаради.

АҚШ дон етиштириш бўйича энг йирик ҳудуд ҳисобланади. Дон маҳсулотларини 802 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари етиштиради. Шундан буғдой АҚШнинг 42 штатида, маккажўхори 35 штатида етиштирилади. АҚШда етиштирилган доннинг 67%ини маккажўхори дони, 20%ини буғдой, қолган 13%ини шоли ва арпа ташкил этади.

1 та оилавий фермер ўртача 30 минг АҚШ доллари қийматига эга бўлган дон маҳсулотларини етиштиради. Жаҳон бўйича эса ҳар йили 1867 млн. тонна дон етиштирилади.

Техник экинлар ўзига хос хусусияти уларнинг юқори товарлигидир. Пахта техник экинлар орасида энг кўп етиштирилади. 1 тонна пахта хом ашёсидан 300-400 кг тола, 100 кг мой, 200-250 кунжара ва шелуха олинади.

АҚШда пахта суғориладиган ва суғорилмайдиган майдонларда етиштирилади. Пахта етиштириш охириги 15-20 йил мобайнида муттасил кўпайди (6 млн. тонна-20 млн. тонна). Бунга экин майдонларининг кенгайиб бориши (33-35 млн. гектар) сабаб бўлди.

Ҳозирги шароитда жаҳон бўйича етиштирилган 20 млн. тонна толани 30% экспорт қилинади.

Зиғир бир йиллик ўсимлик бўлиб, йилига 300 минг тонна етиштирилади. Уни асосий экспорт этувчи мамлакатлар Бельгия, Россия, Польша, Франция, Голландия ҳисобланади. Зиғир асосан Буюк Британия, Италия, Япония, АҚШ, Австралияга импорт қилинади.

Картошка - озиқ-овқат маҳсулотидир. У молларга озуқа тариқасида, глюкоза ва спирт олиш учун ҳам ишлатилади.

Охириги йилларда Ўзбекистон Республикасида йилига 300-500 минг тонна картошка етиштирилмоқда, ялпи ҳосил 300-500 минг тоннани ташкил этмоқда, 1

гектар ердан 100-120 ц. ҳосил кўтарилмоқда. Германия, Франция, Голландияда бу кўрсаткич 300-350 ц/га ни ташкил этади.

Мой берувчи ўсимликлар – мой маҳсулотини асосан пальма ва дала экинлари, зиғир, пахта, ер ёнғоқ, кунгабоқар, соя каби ўсимликлар беради. Улар 95% мой берадилар.

Чой асосан Ҳиндистон, Хитой, Японияда, кофе маҳсулотининг 98%и Африкада – Гана, Нигерия, Камерун, Бразилияда етиштирилади. Кофенинг 64-100%ини, какоанинг 1,1 млн. тоннасини Африка мамлакатлари етказиб беради. Жаҳон экспортида чой 0,8 млн. тоннани ташкил этади.

Тамаки кўп меҳнат талаб этадиган ўсимлик бўлиб, ватани Жанубий Америка (Перу). АҚШ ва Канадада 1 млн. тонна, Польша, Югославияда 0,4 млн. тонна, Ҳиндистон, Туркияда –1,2 млн. тонна етиштирилади. Тамаки асосан Болгария, Польша, Югославия ва МДҲ, Бразилия, Аргентина ва Хитойда етиштирилади.

Пахта экин майдонларининг камайиши бошқа экинлар экин майдонлари кенгайиши ҳисобига содир бўлган. АҚШда пахта майдони 39,4%га, 5,12 млн гектардан 3,12 млн гектарга пасайди. Бў ҳолат Туркия, Греция, Африка давлатларида ҳам кузатилди. (2.6-2.7 жадваллар)

2.6-жадвал

2006-2010 йилларда пахта толаси импорти (млрд долл; %)

Параметр	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.
Импорт (млрд долл)	11,70	11,58	11,62	7,22	7,33
Динамикаси (олдинги йилга нисбатан, %да)	-	-1,1	0,4	-37,9	1,4

2.7-жадвал

2006-2010 йилларда пахта толаси экспорти (млрд долл; %)

Параметр	2006	2007	2008	2009	2010
Экспорт (млрд долл)	11,27	11,30	10,63	8,87	9,80
Динамикаси (олдинги йилга нисбатан, %да)	-	0,2	-5,9	-16,6	10,5

АҚШда ҳар йили 3,12-3,5 млн. гектар ерда пахта етиштирилади. Пахта майдонларининг 25% суғориладиган минтақада жойлашган бўлиб, шундан 10%и ингичка толали пахта етиштириладиган ерлардир. (2.8-2.9 жадваллар)

2.8-жадвал

2006-2010 йилларда жаҳон пахта бозорини ривожланиш динамикаси²³

Йил	Пахта толасини ишлаб чиқариш, млн тонн	Пахта толасини истеъмоли, млн тонн	Йил оҳрига қолдиқ ҳосил, млн тонн
2006	25,4	25,4	13,6
2007	26,5	26,9	13,7
2008	26,1	26,8	13,6
2009	23,4	23,9	13,6
2010	22,4	25,2	11,5

²³www.fas.usda.gov/cots/cotton

2.9-жадвал

Жаҳон кишлоқ хўжалигида пахта экин майдони ва ҳосилдорлиги²⁴

Йил	Пахта экин майдони, минг.га	Ҳосилдорлиги, кг/га
1970	31801	380
1980	32358	426
1990	33159	572
2000	32126	601
2006	29158	693
2007	29436	742
2008	28703	765
2009	27669	745
2010	27275	724

²⁴www.fas.usda.gov/cots/cotton

АҚШ ҳамда Хитой – дунёда пахта етиштириш бўйича етакчи давлатлар ҳисобланади. (2.10-жадвал)

2.10-жадвал

2005-2009 йилларда айрим давлатларда пахта толасини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш²⁵

Давлатлар	Йил				
	2006	2007	2008	2009	2010
Хитой					
- ишлаб чиқариш, млн тонн	6,18	7,72	8,05	7,99	7,07
- истеъмол, млн тонн	9,79	10,88	11,10	9,58	10,34
- экспорт, млн тонн	-	-	-	-	-
- импорт, млн тонн	4,19	2,30	2,51	1,52	2,17
АҚШ					
- ишлаб чиқариш, млн тонн	5,20	4,70	4,18	2,79	2,65
- истеъмол, млн тонн	1,27	1,07	999	781	740
- экспорт, млн тонн	3,82	2,83	2,97	2,89	2,61
- импорт, млн тонн	-	-	-	-	-
Ҳиндистон					
- ишлаб чиқариш, млн тонн	4,14	4,74	5,22	4,92	5,11
- истеъмол, млн тонн	3,63	3,94	4,05	3,86	4,24
- экспорт, млн тонн	751	994	1,53	514	1,35
- импорт, млн тонн	-	-	-	-	-
Покистон					
- ишлаб чиқариш, млн тонн	2,21	2,15	1,93	1,96	2,13
- истеъмол, млн тонн	2,50	2,61	2,61	2,44	2,44
- экспорт, млн тонн	-	-	-	-	-
- импорт, млн тонн	352	502	851	425	370

²⁵www.fas.usda.gov/cots/cotton

Хитойга жаҳон пахта толаси ишлаб чиқаришининг 25 фоизи тўғри келади. Хитой пахта етиштиришда юқори кўрсаткичларига ҳосилдорликни ошириш ҳисобига эришади. У пахтадан юқори ҳосилдорликка эришган давлат ҳисобланади. Ҳиндистон пахта толаси етиштиришда энг паст ҳосилдорлик кўрсаткичларига эга (2.11-жадвал). Лекин пахта толаси етиштириш бўйича дунёда майдонлар бўйича биринчи ўринни, ишлаб чиқариш бўйича Хитой ва АҚШдан кейин учинчи ўринни эгаллайди.

2.11-жадвал

Етакчи давлатларда пахта экин майдонлари ва ҳосилдорлиги²⁶

Йил	Хитой		АҚШ		Хиндистон		Покистон	
	экин майдон, млн га	ҳосилдо р-лиги, кг/га	экин майдон, млн га	ҳосилдо р-лиги, кг/га	экин майдон, млн га	ҳосилдо р-лиги, кг/га	экин майдон, млн га	ҳосилдо р-лиги, кг/га
2005	5,350	1,156	5,586	931	8,873	467	3,101	714
2006	6,000	1,288	5,152	912	9,166	518	3,250	663
2007	6,200	1,299	4,245	985	9,439	567	3,000	646
2008	6,000	1,332*	3,063	911	9,373*	523*	2,900*	676*
2009	5,200**	1,319**	3,047	871	10,000* *	528**	3,000**	682**

²⁶www.fas.usda.gov/cots/cotton

Жаҳон пахтачилиги охириги 10 йилликда интенсивлаштириш эвазига ривожланди. Агар ўтган асрнинг 20-йилларида жаҳонда 1 гектар ер ҳисобига ўртача 2 ц. пахта толаси олинган бўлса, бу кўрсаткич 50 - йилларда 4 ц. ни, Мисрда 8 ц. ни, Мексикада 9 ц. ни, АҚШда 5,5 ц. ни, Туркияда 7 ц. ни ташкил этди.

2010 йилга келиб, жаҳон миқёсида 34 млн. гектар ерга пахта экилди, 20 млн. тонна пахта толаси ишлаб чиқарилиб, учдан бир қисми экспорт қилинди. Техник экинларнинг, шу жумладан, ғўзанинг хусусияти шундаки, уларнинг товарлилик даражаси юқори, етиштириш жараёнида сарфланадиган меҳнат донли экинларга сарфланадиган меҳнатдан кўп. Техник экинлар кўпинча аҳоли зичлиги юқори бўлган мамлакатларда экилади.

2.2. Жаҳон қишлоқ хўжалигида чорвачилик ишлаб чиқаришининг жойлашуви ва ихтисослашуви

Чорвачилик қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан ҳисобланиб, аҳолини қимматли озиқ-овқат маҳсулотлари: сут, гўшт, тухум, саноатни эса жун, қоракўл, тери билан таъминлайди. Чорва моллари чиқиндиси – гўнг энг муҳим органик ўғит ҳисобланади. Унинг алмашлаб экишдаги роли ниҳоятда катта. Чорвачилик қадимий тармоқ бўлиб, аҳолини сут, гўшт маҳсулотлари, саноатни эса хом ашё билан таъминлаб келган. Замонавий чорвачилик эса ҳар томонлама ривожланган. Унда йирик қорамоллар, чўчқалар ва қўйлар кўпайтирилмоқда, шимолий ҳудудлар кийикчиликни ривожлантириб, панда маҳсулотларини олишга мослаштирилган, бошқа ҳудудлар паррандачилик, асаларичилик ва ипакчиликка ихтисослаштирилган. (2.12-жадвал)

Ҳозирги вақтда ер қуррасининг турли қисмларида 300 дан зиёд қорамол зоти кўпайтирилмоқда.

2.12-жадвал

Йирик шохли қорамоллар сони бўйича биринчи ўнғаликка кирган

давлатлар²⁷²⁸

Давлатлар	ЙШҚ, млн бош	Давлатлар	ЙШҚ, млн бош
1. Бразилия	207	6. Судан	40
2. Ҳиндистон	185*	7. Эфиопия	38
3. Хитой	115	8. Мексика	32
4. АҚШ	96	9. Австралия	28
5. Аргентина	50	10. Колумбия	26

²⁷Максаковский В.П., Петрова Н.Н., Физическая и экономическая география мира. - М.:Айрис-пресс, 2010. - 368с.:ил.

²⁸www.fao.org

Сут маҳсулотининг 60%га яқини Украина, Латвия ва Эстония давлатларида етиштирилади.

Табиий яйловларга бой дашт-чўл туманларида қорамолчилик асосан гўшт етиштириш йўналишида ривожлантирилмоқда. Бу туманларда қорамолчиликнинг асосий, кўп ҳолларда эса ягона маҳсулоти гўшт ҳисобланади. Кўпинча сигирлар соғилмайди, бузоқлар бемалол эмдириб ўстирилади.

Гўшт қорамолчилиги, асосан, Қозоғистон Республикасининг жанубий ва марказий вилоятларида, Қирғизистон Республикасида, Қуйи Поволжье, Шимолий Кавказ ва Сибирда, жумладан, Бурятия Автоном Республикасида ва бошқа туманларда ривожланган. Бу туманларда қорамолчилик, асосан, табиий озуқа базасида ривожланмоқда.

Бошқа туманларда қорамолчилик табиий ва иқтисодий шароитларни назарга олиб, сут-гўшт ва гўшт-сут етиштириш йўналишларида тараққий этмоқда. Шароит мавжуд бўлган туманларда ҳам серсут, ҳам гўштбоп мол зотлари урчитилмоқда.

Қозоғистон, Сибирь, Узоқ Шарқ, Шимолий Кавказ ва бошқа зоналарда бепоеён табиий яйловларнинг мавжудлиги гўштдор мол зотларини кўпайтиришга ҳамда ана шу яйлов ва пичанзорларда гўшт қорамолчилигини ривожлантиришга имкон беради.

Голландияда қорамолнинг 3 та зоти, чунончи, қора-ола, қизил-ола зотлари кўпайтирилмоқда. Голландия қора-ола зоти машҳур бўлиб, кўп тарқалган, унинг энг яхши подалари Фрисландия вилояти (провинцияси)да боқилади. Бу зотдаги моллар Англия, Франция, АҚШ, Канада, Янги Зеландия, Япония ва кўпгина бошқа мамлакатларга олиб кетилган.

Ташиб борилиб соф зотига урчитилган бу мол зоти фриз номи билан аксари мамлакатларда (Англия, Франция) ёки голшино-фриз (АҚШ, Канада, Япония ва бошқаларда) маълум. Швецияда, Германия, Польша, Италия, Россия ва бошқа мамлакатларда голландия зоти маҳаллий моллар билан чатиштирилди, натижада молнинг маҳаллий қора-ола зотлари яратилди. Масалан, Германияда остфриз, Швецияда швед қора-ола зоти вужудга келтирилган.

Голланд моли сут маҳсулдорлигининг юқорилиги билан ажралиб туради. Сигирларидан ўрта ҳисобда 4250-4450 кг сут соғиб олинади. Фрисландия вилояти (провинцияси)даги насл китобига ёзилган бу сигирларнинг ҳар бири йилига 4800 кг сут беради.

Голланд зотли моллар Қўқон, Самарқанд, Бухоро тевақларидаги хўжаликларга ҳам келтирилган эди, лекин улар сезиларли роль ўйнамади ва ўрнини швиц ва қизил-чўл зотлари эгаллади.

Айршир зотининг ватани Шотландиядир. Айршир моллари Европа, Америка, Африка, Янги Зеландия, Австралия ва бошқа мамлакатлар иқлимига яхши мослашган.

Айршир сигирларидан ҳар бошининг ўртача оғирлиги қарийб 450-500 кг, буқалариники 700-800 кг, йилига 3500-3900 кг сут беради.

Джерсей зоти молларнинг энг қадимги маданийлаштирилган зотларидан бири бўлиб, Ла-Манш бўғозидаги Джерси оролида чиқарилган.

Джерсей зотли моллар бутун жаҳонга тарқалган. У АҚШда энг кўп, Англия, Австралия ва Янги Зеландияда бир оз кўпроқ боқилади.

Сигирлар ҳар бошининг тирик вазни ўртача 350-400 кг, буқалариники 600-700 кгдир. Говмишлари йилига ўрта ҳисобда 9-10 минг кг.сут беради, бу зотнинг асосий афзаллиги – сутининг серёғлигидир (ёғи 5-7%). Биронта мол зоти сутининг ёғлилиги жиҳатидан джерсей зоти билан тенглаша олмайди.

Швиц зоти Швейцариянинг тоғли туманларида яратилган бўлиб, у шарқ томондан келтирилган, қолдиқлари Швейцария ва Италияда топилган қисқа шохли моллардан келиб чиққан. Швиц зоти Швейцариядан Германияга, Италия, Австрия, Франция, Чехословакия, Испания, Америкага ва Жанубий Африкага аста-секин тарқалган.

Сигирлари қарийб 550 кг, буқалари 900-950 кг тош босади. Сутининг ёғлилиги 3,7%га яқин, сигирларининг ҳар бошидан йилига 3500 кг.сут соғиб олинади.

Швиц зоти Ўрта Осиё республикалари учун анча муҳим аҳамиятга эга, чунки Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистоннинг кўпгина

туманларида улардан зотларни яхшилашда фойдаланилади.

Германия, Англия, Голландия, АҚШ, Швецияда Россияда чорва молларининг ем-хашакка бўлган талабини ва ем-хашакнинг тўйимлилигини энергетик жиҳатдан баҳолашнинг янги тизими ишлаб чиқилди. (2.13-жадвал)

2.13-жадвал

Чорвачилик маҳсулотларининг халқаро савдоси²⁹

Чорвачилик маҳсулотлари ва чорвачиликнинг тирик вазни	Асосий экспорт давлатлари
Мол ва бузоқ гушти	Австралия, ФРГ, Финляндия, Новая Зеландия, Ирландия, Нидерланды, США, Венгрия
Чучка	Нидерланды, Бельгия, Дания, Канада, Венгрия
Кўй	Новая Зеландия, Австралия, Великобритания
Парранда гушти	Франция, США, Нидерланды, Бразилия
Жун	Австралия, Новая Зеландия, Аргентина, Уругвай, ЮАР
ЙШК	Бразилия, Аргентина, Мексика
Чучка	Эфиопия, Китай, Нидерланды, Канада
Кўй ва ички	Австралия, Турция, Сомали, Эфиопия

²⁹<http://ayp.ru/shpargalki/Geograf/4/Page-27.php>

Чорвачилик охирги йилларда бир қанча давлатларда маҳсулот етиштириш бўйича қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларига қараганда биринчи ўринга кўтарилди.

Чорвачилик фермер хўжаликларидида озукаларни тайёрлаш ва тарқатиш, сигирларни соғиш, транспорт ишлари, ҳайвонларни янги технология бўйича сақлаш механизация ва электрификация ёрдамида кенг амалга оширилмоқда. Маҳсулдор зотларни яратишда энг муҳим бўғин селекция ҳисобланади. Йирик қорамолчилик жаҳон миқёсида бир текисда жойлаштирилган. Аргентинада яйловда боқиш жорий этилган бўлса, бошқа мамлакатларда сутчиликка ихтисослашган чорвачилик ривожланган. Сутчиликка ихтисослашган чорвачилик 2 турга бўлинади:

- йирик шаҳарлар атрофида жойлашган сутчилик қорамолчилиги;
- йирик марказлардан узоқроқда жойлашган сутчилик қорамолчилиги.

Уларда транспорт ишлари яхши жорий этилиб, пишлоқ пишириш, мой олиш ва сут маҳсулотини консервалаш ривожланган. Бунга мисол тариқасида Голландия ва Франция мамлакатларини кўрсатиш мумкин.

2008-2012 йилларда гушт маҳсулотларини савдоси жаҳон бўйича энг юқори ижобий натижаларини кўрсатди. Ўсиш 8 фоиз бўлиб 267дан 289 млн тоннага этди. (2.14-2.16 жадваллар)

2.14-жадвал

2008-2012 йилларда гушт маҳсулотлари бўйича жаҳон импорти (млрд долл, %)³⁰

Кўрсаткичлар	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.
Импорт (млрд долл)	90,5	82,8	89,1	106,3	104,7
Динамикаси (олдинги йилга нисбатан, %да)	-	-8,5	7,7	19,3	-1,5

³⁰www.fao.org

2.15-жадвал

2008-2012 йилларда гўшт маҳсулотлари импорти бўйича етакчи давлатлар
(млн долл)³¹

Давлатлар	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.
Аргентина	81	73	134	171	94
Австралия	371	402	449	498	543
Бельгия	1 613	1 466	1 448	1 632	1 559
Бразилия	151	147	208	284	338
Буюк Британия	4 747	4 146	4 362	5 020	4 544
Вьетнам	637	657	910	1 760	1 942
Германия	6 326	5 608	5 603	7 149	6 527
Гонконг	3 505	3 754	4 222	5 016	4 402
Дания	1 059	946	1 051	1 191	1 323
Ҳиндистон	1	1	1	1	2
Ирландия	616	544	510	575	554
Испания	1 537	1 334	1 388	1 533	1 392
Италия	5 961	5 522	5 634	6 146	6 836
Канада	1 549	1 484	1 658	2 040	2 336
Хитой	2 303	1 699	2 221	3 388	4 098
Корея	2 025	1 672	2 063	3 428	2 855
Малайзия	402	419	530	659	710
Мексика	3 038	2 619	3 099	3 288	3 401
Нидерландия	3 334	3 065	3 113	4 145	4 073
Янги Зеландия	112	113	117	133	133
Польша	1 506	1 464	1 414	1 682	1 634
Россия	6 958	6 289	6 130	6 549	7 365
Саудия Арабистон	1 545	1 478	1 962	2 531	2 957
АҚШ	4 337	3 994	4 567	5 076	5 616
Франция	5 073	4 778	4 783	5 274	5 230
Япония	8 251	7 311	8 484	10 238	9 802
Бошқа давлатлар	23 437	21 795	23 072	26 914	24 445
Жами	90 473	82 778	89 134	106 320	104 710

³¹www.fao.org

2.16-жадвал

2008-2012 йилларда гўшт маҳсулотлари импорти бўйича етакчи давлатлар
(%)³²

Давлат	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.
Аргентина	0,09	0,09	0,15	0,16	0,09
Австралия	0,41	0,49	0,50	0,47	0,52
Бельгия	1,78	1,77	1,62	1,53	1,49
Бразилия	0,17	0,18	0,23	0,27	0,32
Буюк Британия	5,25	5,01	4,89	4,72	4,34
Вьетнам	0,70	0,79	1,02	1,66	1,85
Германия	6,99	6,78	6,29	6,72	6,23
Гонконг	3,87	4,53	4,74	4,72	4,20
Дания	1,17	1,14	1,18	1,12	1,26
Индия	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00
Ирландия	0,68	0,66	0,57	0,54	0,53
Испания	1,70	1,61	1,56	1,44	1,33
Италия	6,59	6,67	6,32	5,78	6,53
Канада	1,71	1,79	1,86	1,92	2,23
Хитой	2,55	2,05	2,49	3,19	3,91
Корея	2,24	2,02	2,31	3,22	2,73
Малайзия	0,44	0,51	0,59	0,62	0,68
Мексика	3,36	3,16	3,48	3,09	3,25
Нидерландия	3,69	3,70	3,49	3,90	3,89
Янги Зеландия	0,12	0,14	0,13	0,13	0,13
Польша	1,67	1,77	1,59	1,58	1,56
Россия	7,69	7,60	6,88	6,16	7,03
Саудия Арабистони	1,71	1,79	2,20	2,38	2,82
АҚШ	4,79	4,83	5,12	4,77	5,36
Франция	5,61	5,77	5,37	4,96	5,00
Япония	9,12	8,83	9,52	9,63	9,36
Бошқа давлатлар	25,90	26,33	25,88	25,31	23,35
Жами	100	100	100	100	100

³²www.fao.org

2008-2012 йилларда жаҳон гўшт савдоси таркибида энг юқори улуш чўчка гуштига тўғри келди чўчка гўшти ишлаб чиқариш 9 фоизга ўсиб 2012 йилда 107 млн. тонна етди. Иккинчи ўринда уй паррандаси гўшти туриб 2012 йилда 99 млн. тонна парранда гўшти сотилиб жами гўшт маҳсулотларининг 34 фоизини беради.

Гўшт савдоси бўйича дунёда Хитой энг етакчи давлат ҳисобланади. 2008-2012 йилларда унинг ҳиссасига жаҳон гўшт савдосининг 27 фоизи тўғри келади. Ундан кейинги ўринда АҚШ туриб 2012 йилда 36 млн. тонна гўшт сотилган, жаҳон савдосининг 12 фоизи ташкил этади. 2008-2012 йилларда аҳоли жон бошига гўшт сотиб олиш бўйича Дания ва Гонконг жаҳонда энг юқори ўринни эгаллайди. 2012 йилда аҳоли жон бошига Дания ва Гонконгда 134 кг гўшт тўғри келади.

Қорамолчилик халқ хўжалигида катта ўрин тутади ва чорвачиликнинг етакчи тармоқларидан ҳисобланади. У турли хил табиий-иқтисодий зоналарда кенг тарқалган бўлиб, умумий чорва маҳсулотлари ҳажмига гўшт ва сут билан катта ҳисса қўшади. Қорамолдан сут ва гўшт каби қимматбаҳо маҳсулотлар, озиқбоп ва техник мой олинади. Осиё ва Африканинг кўп мамлакатларида қорамолдан улов сифатида фойдаланилади, далаларни ўғитлаш учун ҳам, асосан, мол гўнги ишлатилади.

Чўчкачилик жаҳон бўйича 35% гўшт маҳсулотини беради. Гўшт масаласини ҳал этишда чўчкачилик чорвачиликнинг тез етилувчан тармоғи сифатида халқ хўжалигида катта аҳамиятга эга. Умумий гўшт етиштиришда чўчка гўшти салмоғи 20,5%ни ташкил этади. Кейинги йилларда чўчкаларнинг маҳсулдорлиги 20-25% ортди. Чўчка болаларининг етилиши 2 барабар тезлашди, 1 кг тирик вазн ҳисобига сарфланадиган озиқ миқдори бир ярим марта камайди.

Қўйчилик жун, пўстин, гўшт, сут беради. Жуни ингичка толали қўйлар куруқ иқлимли ҳудудларда тарқалган, бўлиб, жаҳон бўйича қўйларнинг 25%ини ташкил этади.

Ярим ингичка толали жун ва гўштга мўлжалланган қўйлар қулай иқлим шароитига, дағал жунли, териси пўстинбоп, қорақўл зотлари яйлов шароитига

мослашган. Қўйлар ҳайдаб боқишга жуда чидамли. Ем-хашак ва сув билан жуда оз таъминланган ерларда ҳам қўйчиликни ривожлантириш мумкин. Австралия, Шимолий ва Жанубий Африка мамлакатлари, Шарқий Хитой ва Афғонистон кенг тарқалган. Буюк Британия, Франция ва собиқ СССРнинг ғарбий мамлакатларида интенсив қўйчилик ривожланган.

Жаҳон бўйича 2000 йилда йирик қорамоллар 1 млрд. 268 млн. бош, чўчқалар 1 млрд. бош, қўйлар 1 млрд. 147 млн. бош, эчкилар 492 млн. бош, қўтос 132 млн. бош, отлар 65 млн. бош, хачир 14 млн. бош, туялар 14 млн. бош ва паррандалар 8 млрд. 930 млн. бош эди. Уларни шартли йирик қорамолга айлантирганда 1 млрд. 877 млн. бошни ташкил этади.

Жаҳон бўйича охириги чорак аср мобайнида чорва молларининг шартли йирик қорамолларга айлантирилганда кўпайиб бориши 33%ни ташкил этди. Кўриниб турибдики, яъни бу борадаги кўрсаткич инсониятнинг кўпайиш (43%) даражасига нисбатан анча паст. Шу давр мобайнида отлар сони 16%га, туялар ва қўтослар 4%га камайди, қўйлар 21%га, йирик қорамоллар 36%га ва чўчқалар юқори даражада кўпайди.

АҚШда гўшт етиштирадиган корхоналар, фирмалар билан гўштни қайта ишлаш корхоналари ўртасидаги кредитлар олиш яхши йўлга қўйилган. Кредит ҳисобига янги техника сотиб олиш, янги чорва биноларини қуриш ва жорий харажатларни қоплаш мумкин.

Буюк Британияда ҳар йили 1 млн. тоннадан ортиқ қорамол гўшти истеъмол қилинади. Мамлакатда ўзини-ўзи гўшт билан таъминлаш даражаси 95%, ҳар йили 185-190 минг тонна гўшт экспорт ва 230-240 минг тонна гўшт импорт қилинади. Буюк Британияда ҳар йили 940 минг тонна мол гўшти етиштирилади. Бу жон бошига 22 кг дан тўғри келмоқда. Етиштирилган гўшт таркибида парранда гўштининг салмоғи юқори. Гўшт асосан оилавий фермерлар томонидан етиштирилади. Буюк Британияда 152 минг фермер бўлиб, улар 12 млн. бошдан ошиқ қорамол боқишади. 1 та фермерга ўртача 80 бош қорамол тўғри келади.

Янги Зеландияда йилига 521 минг тонна қўй гўшти етиштирилади. Бу ўлка қўйгўшти етиштириш бўйича жаҳонда иккинчи ўринни эгаллайди. 29 мингта жун

қирқиш пунктлари мавжуд.

Ўзбекистон Республикасида қоракўлчилик асосий тармоқ бўлиб, мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллайди. Қоракўлчилик тизимида 9 млн. бошдан ортиқ қўй боқилади ва ҳар йили олтинга тенг 2,1 млн. қоракўл тери етиштирилади.

Ҳозирги вақтда жаҳондаги 50 дан ортиқ мамлакатда қоракўл қўйлар боқилмоқда.

Ўзбекистонда етиштириладиган қоракўл териси энг юқори сифатли бўлиб, улар «Бухороқоракўли» фирма белгиси билан белгиланади.

Собиқ Совет тизими даврида Қирғизистон Республикаси қўйчиликнинг асосий базаси бўлиб, жун етиштириш бўйича учинчи ўринни эгаллаган. Бу ерда ҳар йили 30 минг тонна жун қирқиб олинган. Қораболта шаҳрида йирик гилам комбинатида эчкиларнинг момиқ ва жун хом ашёсидан гилам тўқилар эди. Мустақилликка эришилгандан кейин қўйчилик тармоқлари қисқартирилиб, 10 млн. бошдан 3,5 млн. бошга, чўчқалар эса 5 маротабага камайтирилди.

2000 йилда қўйлардан 30 минг тонна жун қирқиб олинган бўлса, ҳозирда ҳар йили бундан деярли 3 маротаба кам ёки 10-11 минг тонна жун тайёрланмоқда.

Чорвачиликни ривожлантириш қишлоқ хўжалиги олдида турган биринчи даражали вазифалардан ҳисобланади. Бу вазифани муваффақиятли ҳал этиш учун қўйидаги комплекс тадбирий чоралар ишлаб чиқилган:

- чорвачиликнинг мустаҳкам ем-хашак базасини барпо қилиш ва ем-хашакдан рационал фойдаланиш;
- барча турдаги чорва моллари ва паррандаларини кўпайтириш;
- подаларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва молларни саноат технологияси асосида боқишга мослаштириш мақсадида чорвачиликда наслчилик ишларини яхшилаш;
- чорва молларининг янги зотларини яратиш ва мавжуд зотларини яхшилаш, чорвачиликнинг турли соҳаларини бошқаришда назарий ва амалий усулларни ишлаб чиқиш, шу асосда чорва молларини кўпайтириш ҳамда боқишнинг рационал усулларини жорий этишда зоотехника ва чорвачилик

илфорларининг иш тажрибаларига кенг ўрин бериш.

3-БОБ. ЖАҲОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Жаҳон қишлоқ хўжалигини моддий-техника базасини инновацион ривожлантириш

Замонавий қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш нафақат деҳқончиликни, балки чорвачиликни ҳам қамраб олади. Механизация кўрсаткичи 100 га ерга ва қишлоқ хўжалигида банд бўлган 1000 та иқтисодий фаол аҳоли сонига тўғри келадиган тракторлар сони билан белгиланади. Қишлоқ хўжалигида банд бўлган ишчи кучининг тракторлар билан таъминланганлиги бўйича энг юқори кўрсаткичлари билан экстенсив қишлоқ хўжалигини машиналаштириш йўлига ўтган кўп ерли давлатлар (АҚШ, Канада, Австралия) ажралиб туради. Гарчи, ривожланган мамлакатларнинг таракқий қилиши учун майдон миқдори ва ишда банд бўлганларга тўғри келадиган тракторлар сонининг энг юқори кўрсаткичлари хос бўлса ҳам улардаги трактор паркининг ўсиши (22%) жаҳондаги ўртача ўсиш кўрсаткичи(29%)га нисбатан суст. Ривожланган мамлакатлардаги қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш жараёни танлаб олинган механизациялаштиришнинг мураккаб муаммолари билан боғлиқ. Бу муаммолар мухтасар қилиб айтганда, асосан, қуйидагилардан иборат:

Замонавий қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ташкил қилиниши турли мамлакатларга кўп миқдорда машиналар келтирилишини ва бунинг учун катта ҳажмдаги қишлоқ хўжалиги маблағи ажратилишини талаб этади. АҚШда қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва электрлаштириш – товар ишлаб чиқариш ва унинг маҳсулдорлигини оширишнинг асосий омилларидан биридир. Механизациялаштириш жараёни айниқса, АҚШда иккинчи жаҳон урушидан кейин тез суръатлар билан давом этди.

Тракторлар сони бўйича энг юқори кўрсаткич Европа давлатларига, Осиё давлатлари ва Шимолий Америка давлатларига тўғри келади (3.1-жадвал). Бу кўрсаткичларга қараб Европа давлатларига, Осиё давлатлари ва Шимолий

Америка давлатларида қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасининг таъминоти тракторлар билан бошқа ҳудудларга нисбатан юкори таъминланган. Паст кўрсаткич Океания, Африка, Жанубий Америка давлатларига тўғри келади.

3.1-жадвал

1960-2010 йилларда жаҳон қишлоқ хўжалигида тракторларининг сони (млн.дона.)³³

Ҳудудлар	1960	1970	1980	1990	2000	2005	2010
Африка	0,23	0,33	0,44	0,53	0,54	0,54	-
Осиё	0,20	0,78	3,47	5,59	7,90	8,59	-
Европа	4,91	8,05	11,11	12,96	10,93	10,83	-
Океания	0,35	0,43	0,43	0,40	0,40	0,40	-
Шимолий Америка	5,24	5,87	5,38	5,35	5,40	5,49	-
Жанубий Америка	0,30	0,47	0,88	1,19	1,32	1,32	-
Жами	11,32	16,10	21,93	26,45	26,93	27,63	28,1

³³FAO Statistical Yearbook, 2004-2011

Комбайнлар сони бўйича энг юқори кўрсаткич Осиё давлатлари, Европа давлатларига, ва Шимолий Америка давлатларига тўғри келади (3.2-жадвал). Бу кўрсаткичларига қараб Европа давлатларига, Осиё давлатлари ва Шимолий Америка давлатларида қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасининг таъминоти комбайнлар билан бошқа хуудларга нисбатан юқори таъминланган. Паст кўрсаткич Океания, Африка, Жанубий Америка давлатларига тўғри келади.

3.2-жадвал

1960-2010 йилларда жаҳон қишлоқ хўжалигида комбайнлар сони (млн. дона)³⁴

Худуд	1960	1970	1980	1990	2000	2005	2010
Африка	0,02	0,03	0,04	0,04	0,04	0,04	-
Осиё	0,05	0,13	0,98	1,50	2,10	2,23	-
Европа	0,84	1,36	1,51	1,45	1,02	0,99	-
Океания	0,07	0,07	0,06	0,06	0,06	0,06	-
Шимолий Америка	1,18	0,92	0,83	0,82	0,78	0,78	-
Жанубий Америка	0,06	0,08	0,10	0,12	0,13	0,13	-
Жами	2,23	2,61	3,55	4,02	4,17	4,25	4,02

³⁴FAO Statistical Yearbook, 2004-2011

АҚШ қишлоқ хўжалигида электрлаштиришдан кенг фойдаланилмоқда, бир йил давомида қишлоқ хўжалигида 28 млрд. кВт/с электр энергияси ишлатилади. Ундан асосан суғоришда, чорвачиликда хусусан сут чорвачилиги ва паррандачиликда кенг фойдаланилади. 666 минг фермер хўжаликлари сут соғиш машиналари, 428 минг фермерхўжаликлари сут сақланадиган электр совутгичлар, сув ва ем узатувчи электр қурилмаларига эга.

Қишлоқ хўжалигини ривожланишида моддий-техника базасининг асоси бўлган кимёвий воситалар ва ўғитларни ўрни катта. Уларни қўллаш натижасида юқори ҳосилдорликка эришилмоқда.

Минерал ўғитларни ишлаб чиқариш бўйича энг юқори кўрсаткич Осиё давлатларига, Европа давлатларига ва Шимолий Америка давлатларига тўғри келади (3.3-жадвал). Бу кўрсаткичларга қараб Европа давлатларида, Осиё давлатлари ва Шимолий Америка давлатларида қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасининг таъминоти минерал ўғитларни ишлаб чиқариш бўйича бошқа ҳудудларга нисбатан юқори таъминланган. Паст кўрсаткич Океания, Африка, Жанубий Америка давлатларига тўғри келади.

3.3-жадвал

1960-2010 йилларда минерал ўғитларни ишлаб чиқариш (млн. т.)³⁵

Худудлар	1960	1970	1980	1990	2000	2005	2010
Африка	0,39	1,29	2,35	4,86	5,29	5,54	6,18
Шимолий Америка	8,66	20,25	33,19	34,56	31,21	32,42	26,67
Жанубий Америка	0,45	0,57	2,49	2,75	3,97	5,37	5,51
Осиё	2,59	8,72	25,07	44,16	62,92	78,56	95,06
Европа	20,48	40,20	59,06	59,06	36,86	47,05	34,83
Океания	0,81	1,15	1,39	0,72	1,46	1,24	1,14
Жами	33,51	72,94	124,72	148,29	143,18	170,91	170,11

³⁵<http://faostat.fao.org/>

1960-2010 йилларда жаҳон қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган маҳсулотларнинг ҳосилдорлиги натижаларининг таҳлилига кўра дон маҳсулотларининг ҳосилдорлиги гектарига 6 центнердан 12,4 центнерга, сабзавот ҳосилдорлиги гектарига 93,7 центнердан 183,3 центнерга, мева ҳосилдорлиги 71,1 центнердан 109,3 центнерга ошди (3.4-жадвал).

3.4-жадвал

1960-2010 йилларда жаҳон қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган маҳсулотларнинг ҳосилдорлиги (ц/га)³⁶

Ишлаб чиқариш	1960	1970	1980	1990	2000	2005	2010
Дон маҳсулотлари	6,0	6,3	9,3	9,2	8,2	10,5	12,4
Сабзавот	93,7	110,9	126,7	147,0	166,8	173,1	183,3
Мева	71,1	83,1	92,3	86,0	96,0	100,8	109,3

³⁶<http://faostat.fao.org/>

Англия қишлоқ хўжалиги юқори даражада механизациялаштирилган. Бу ҳудудда 1950 йилда 325 минг, 1955 йилда 395 минг, 1958 йилда 421 минг, 1960 йилда 512 минг, 1980 йилда 524 минг, 2010 йилда 526 мингга етган. Асосан «Ферюзан» типдаги ғилдиракли тракторлар ва уларга мос қишлоқ хўжалиги транспорти ва юк ортувчи машиналардан, шунингдек, 4 ғилдиракли ва гидравлик трансшет тракторлардан кенг фойдаланилмоқда. Деҳқончиликда катта айланма ҳаракатли чуқур ер ҳайдовчи омовлардан ҳам фойдаланилади. Пластмасса дренаж қувурларидан фойдаланиш усуллари ҳам тобора такомиллашиб бормоқда. Гўнг ортиш ва ташишда гидравлик ортувчи ва ташувчи механизм қўлланилмоқда. Донли экинлар комбайнларда ўриб-йиғиб олинади. Англияда 300 минг атрофида сут соғиш машиналари ишлатилади.

Францияда 1938 йилда 36 минг трактор бўлган, 2000-2010 йилларда уларнинг сони 1526 мингга етди. Кўпгина фермер хўжаликлари жуда қимматлиги туфайли машиналардан фойдалана олмайди, айниқса, чорвачиликда механизация даражаси жуда паст. Йирик фермер хўжаликлари янги машиналар сотиб олади. Баъзи ҳудудларда фермерлар кооперативларга бирлашиб, зарур қишлоқ хўжалиги техникасини харид қиладилар.

Германияда қишлоқ хўжалигига капитал қўйилмалар ҳажми анча ўсди, бу эса ишлаб чиқариш жамғармаларининг ўсишини таъминлади. Агар иккинчи жаҳон урушигача бу ерда 30 минг трактор бўлган бўлса, 1950 йилда – 139 минг, 1960 йилда - 587 минг, 2010 йилда – 1526 мингга етди. Тракторлар билан таъминланганлик бўйича ГФР ривожланган давлатлар орасида биринчи ўринни эгаллайди.

Дания қишлоқ хўжалигида трактор ва электроэнергиядан жуда кенг фойдаланилади. Мамлакатда майда деҳқон хўжаликлари кўп, хусусий тракторларнинг кам бўлишига қарамай механизациялаштириш даражаси юқори. Трактор ва машиналар асосан йирик хўжаликларда тўпланган, фермаларнинг ҳаммаси сут соғиш аппаратларига эга.

Италияда тракторлар сони 1950 йилда 87 минг, 1960 йилда 274 минг, 1965

йилда 511 минг, 2010 йилда – 1227 мингга эди. Техника воситалари асосан йирик хўжаликларда тўпланган. Пимоида, Ламбардия туманларида 50 ва 40 га, Сардинияда 373 га, Сицилияда 409 га ҳайдаладиган ерга 1 трактор тўғри келади. Италияда фақат 25 минг хўжалик ўз тракторига эга. 18 минг хўжалик механизация ишларида ижара хизматидан фойдаланади. Мамлакатда ҳар 1000 га ҳайдаладиган ерга 35,5 трактор, 1000 га донли экин майдонига 2 та дон комбайни тўғри келади.

Испанияда механизация даражаси паст, тракторларнинг умумий сони 5 баробарга ўсган. 1000 га ҳайдаладиган ерга 8 та трактор, 1000 га экин майдонига 1,5 дон комбайни тўғри келади. 1995 йилда мамлакатда 630 минг трактор бўлган.

Ривожланаётган мамлакатлар

Африканинг барча мамлакатларида 1961 йилда 27 минг трактор, 1970 йилда 344 минг, 1980 йилда 394 минг, 2010 йилда 509 минг трактор бўлган. Тракторларнинг деярли 50 фоизи ЖАРда, 30 мингтаси Жазоирда, 18 мингтаси Марокаш, 15 мингтаси Зимбабве, 6500 таси Кенияда.

Монголия республикасидаги машина - чорвачилик станциялари қишлоқ хўжалик бирлашмаларига хизмат кўрсатади. Ўртача олганда 1 станцияга 64 та трактор, 15 та комбайн тўғри келади. Улар мамлакат қишлоқ хўжалик бирлашмаларининг 76 фоизига хизмат кўрсатади.

Сўнгги 15 йил ичида Польшада қишлоқ аҳолиси сони 0,5 млн. нафарга ёки 3,25%га камайди. Бу эса қишлоқ хўжалигида ишчи кучининг етишмовчилигига олиб келди ҳамда бу етишмовчилик ўрнини механизация билан тўлдириш зарурияти туғилди. Бу муаммо, айниқса, мамлакатнинг шимоли-ғарбий қисмида, жумладан, восводалар (вилоятлар)да нисбатан кескин тус олган. Бу ерларда узок муддат ичида қишлоқ аҳолиси сони мутаносиб равишда 16,7 ва 12%га камайди. Ўртача олганда мамлакат бўйича хусусий хўжаликлардан ҳар бири қишлоқ хўжалиги ерларининг 5,1 гектарида фаолият юритади. Майда товар хўжаликлари зиммасига эса қишлоқ хўжалик ерлари умумий майдонининг 85,2%и тўғри келади. Минтақани индустрлаштиришнинг паст даражадалиги яққол кўриниб турибди. Унча катта бўлмаган хўжаликка эга деҳқонлар қўшимча ишчи ўринлари ташкил этиш билан чегараланиб қолганлар.

Механизация билан таъминланганликнинг нисбатан паст кўрсаткичи 2 гектардан 7 гектаргача майдонга эга хўжаликларда кузатилди. 2 га.дан кўп майдонга эга бўлган хўжаликларда ихтиёридаги қишлоқ хўжалик ерлари кўпайиши билан тирик ишчи кучи ресурслари камайиб, механизация кучи даражаси эса ўсиб борди.

3.2. Қишлоқ хўжалигида ахборот-маслаҳат хизматларини ривожлантириш

Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларининг кўпчилигида, бир неча ўн йилликлар мобайнида, ахборот-маслаҳат хизматлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ўртасида билимларни тарқатишнинг бир шакли сифатида фаолият юритиб келмоқда. Бундай хизматларнинг яратилиши, зарурий таълим ва иш тажрибасига эга бўлмаган фермерларга самарали хўжалик юритиш, ўз хўжаликларида фан ютуқларини жорий қилишга ёрдамлашиш зарурияти билан тушунтирилади. Фермерлар аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун интенсив ишлаб чиқаришни юритиш, кўпгина ҳолларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг янги технологияларини қўллашлари зарур бўлади. Оилавий фермер хўжалигининг юзага келган тури тижорат нуқтаи назаридан ташкил этилиб, ишлаб чиқаришни доимий тарзда техник янгилашга сезиларли даражада боғлиқдир. Илмий ва ўқув марказларидан узоқда жойлашган фермерларга, алоқа воситаларисиз, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши янгиликларини кузатиб бориш ва уларни ўз хўжаликларида қўллаш жуда қийин кечади. Бунинг учун махсус хизматлар зарур бўлади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасида янги билимларни тарқатиш бўйича биринчи чет эллик хизматлар XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида Голландия ва АҚШда пайдо бўлган. Ушбу муаммонинг ечилиши фақатгина, илм-фан ютуқлари ва хўжалик юритишнинг тараққий этган услублари асосида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштириш йўли билан амалга оширилиши мумкин эди.

АҚШ. Қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича билимларни тарқатиш хизмати

1862 йилда шакллана бошлаган, айнан шу пайт қишлоқ хўжалиги таълими ва фанини ташкил этиш ва билимларни фермерлар ўртасида тарқатиш тўғрисида қонун қабул қилинган.³⁷

Ушбу қонунга мувофиқ, мазкур функциялар штатларнинг қишлоқ хўжалиги коллежларига юклатилган. Федерал даражада билимларни тарқатиш хизмати 1914 йилда яратила бошланган, айнан шу пайт уни яратиш тўғрисидаги Смит-Левер қонуни қабул қилинган.

Ҳозирги кунда билимларни тарқатиш хизмати “экстеншн” (АҚШда ушбу атама, фермерлар олдида турган муайян ишлаб чиқариш муаммоларини ечишга қаратилган, фермерларни мақсадли ўқитишнинг махсус турини билдиради) ташкилий жиҳатдан билимларни тарқатишнинг давлат кооператив хизмати бўлиб, у АҚШ қишлоқ хўжалиги Вазирлиги таркибида бўлиб федерал даражада ва университетлар ва округлар “экстеншн” хизматларини ўз ичига олган штатлар бирлашган тизимларини ўзаро бирлаштиради. Умуман “экстеншн” хизматига 74та давлат қишлоқ хўжалиги университети, 130 қишлоқ хўжалиги коллежи, 27 ветеринария тиббиёт коллежи, 59 тажриба станцияси, 63 ўрмончилик мактаби ва маъмурий округлардаги 3150 “экстеншн” офислари жалб этилган.³⁸

“Extension таълими” атамаси АҚШда XX аср бошидан қўлланила бошланган. Шу пайтдаёқ, таълим олишнинг бундай усулидан нафақат университет талабалари, балки штатнинг исталган яшовчиси фойдаланиши мумкинлиги равшан эди. Аста-секин extension ёши катталарни ўқитиш шакли сифатида ўз фаолиятини бошлади, бунда ўқитувчилар сифатида университет ходимлари хизмат қилган. Кўп йиллар давомида ўқитишнинг ушбу шаклидан асосан қишлоқ хўжалиги факультетлари фойдаланганлар, факультет ходимлари орасида эса округ extension хизмати ходимлари ҳам бўлган. Фермерлар сонининг қисқариб бориши билан extension хизмати аҳолининг янада кенгроқ гуруҳларини қамраб олишга ҳаракат қилган.

Фермерларнинг ахборот таъминоти тизими сўнгги ўн йилликларда мустақил

³⁷Rasmussen W.D. Taking the university to the people, Seventy-five years of cooperative extension. Ames (Iowa), Iowastateuniv. press, 1989. - 300 с.

³⁸ Ториков В.Е., Мальцев В.Ф., Квитко Б.И. Информационно-консультационная служба в сельском хозяйстве Учебное пособие. Брянск 2004. 176 с.

бўлиб шаклланган. Экстеншн дастурининг ўзи эса, илм-фан, қишлоқ хўжалигини бошқариш органлари ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ўртасидаги кўприк ролини бажарган ҳолда, университет тизимининг тузилмавий элементига айланган. Университетлар “экстеншн” хизматларида 50 тадан 100 тагача ходим фаолият юритади. Хизмат мутахассислари университет ходимларининг узлуксиз қисми ҳисобланади, ва уларнинг кўпчилиги асосий фаолиятни ўқитувчилик фаолияти билан қўшган тарзда олиб боради.

Буюк Британия. Миллий қишлоқ хўжалиги маслаҳат хизмати 1946 йилда қишлоқ хўжалиги, балиқчилик ва озиқ-овқат Вазирлиги қошида ташкил топган. Ҳозирги кунда ушбу хизмат вазирликнинг қатор бошқа хизматлари билан бирлаштирилган ва янги ном олган – Қишлоқ хўжалиги бўйича маслаҳат хизмат кўрсатиш ва илмий тадқиқотлар хизмати (АДАС). У учта даражада фаолият юритади: марказий, минтақавий ва маҳаллий.³⁹

Минтақалар даражасида 6 марказ фаолият юритади, уларда қишлоқ хўжалиги билимлари йўналишлари бўйича мутахассислар гуруҳлари ташкил этилган.

1987 йилгача хизматлар бепул кўрсатиб келинган. Кейинчалик, улар аста-секин пуллик бўлган. 1997 йилда АДАС тижорат ташкилотига акционерлашган.

Бугунги кунга келиб АДАС учта асосий функцияни амалга оширади:

-тармоқда маслаҳатларни тақдим этиш ва илғор технологиялар тарқалишига ёрдам бериш;

-илмий тадқиқотларни ўтказиш ва ўз тажриба хўжаликлари ва станцияларида тавсияларни тайёрлаш;

-инвестициявий мақсадлар, ўсимлик ва ҳайвонларнинг касалликлари билан курашишга ажратиладиган субсидияларни тарқатишда қишлоқ хўжалиги, балиқчилик ва озиқ-овқат Вазирлигига ишлаш. У фаолиятнинг турли йўналишлари бўйича 60 мингдан кўпроқ хўжаликларга хизмат кўрсатади.

АДАС тузилмасида бта минтақавий маслаҳат маркази, улар жўғрофий

³⁹ Great Britain. Agricultural development and advisory service, ADAS re search.1996/1997. S.p., 1997. - 68 с.

тамоийил бўйича жойлашган, ҳамда 10 тадқиқот марказлари мавжуд. Ҳар бир маслаҳат марказида 6 дан 10 тагача мутахассислар гуруҳлари мавжуд ва уларга 12-15 маслаҳатчи киради. Мисол сифатида АДАС жанубий-шарқий марказини келтириш мумкин, унинг 7 та ишлаб чиқариш бўлимида 62 та маслаҳатчи фаолият юритади.⁴⁰

АДАС фирмаси билан бир қаторда, Англияда, фермерларга маслаҳат хизматларини кўрсатиш билан шуғулланадиган бошқа тижорат ташкилотлари ҳам фаолият юритади. Хусусий фирмаларнинг маслаҳатчилари асосан кичик ер эгалари билан ишлайдилар.

Германия. Қишлоқ хўжалиги маслаҳат бериш хизмати тузилмаси давлат (федерал ёки ерларга мансуб), ярим давлат (қишлоқ хўжалиги палаталари) хизматларини ва хусусий бюро ва бирлашмаларни ўз ичига олади.

Давлат хизмати 1950 йилда озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон Федерал вазирлиги таркибида ташкил топган. Бу махсус бошқарма бўлиб, қишлоқ хўжалигидаги маслаҳат хизматини кўрсатиш ва таълим масалалари бўйича умумий бошқарувни амалга оширади. Бошқарма маслаҳат хизмати функцияларини илмий-тадқиқот институтлари, университетлар ва қишлоқ хўжалиги мактаблари орқали амалга оширади.

Германияда маслаҳат хизмати самарали фаолиятининг муҳим кафолати бўлиб давлат томонидан қўллаб-қувватланиш ҳисобланади. Маслаҳат хизмати тузилмаси ва ташкил этилиши мамлакат бўйлаб ягона ва федерал ёки ерлар маслаҳат хизматларини (давлат ташкилотлари), қишлоқ хўжалиги палаталарини, хусусий маслаҳат фирмалари ва бирлашмаларини, ҳамда хусусий маслаҳатчиларни ўз ичига олади.

Давлат муассасалари томонидан деҳқонларга ва уларнинг оила аъзоларига бепул маслаҳат ёрдамини тақдим этиш ёки бундай хизматлар хусусий маслаҳат фирмаларидан олиш харажатларини давлат томонидан қоплаш, агарда гап қишлоқ хўжалиги корхонасининг ривожланиш истиқболлари ва ишчилар ва уларни оила

⁴⁰ Ториков В.Е., Мальцев В.Ф., Квитко Б.И. Информационно-консультационная служба в сельском хозяйстве Учебное пособие. Брянск 2004. 176 с.

абзоларининг ижтимоий-иқтисодий муаммолари тўғрисида кетаётган, яъни катта жамоат ва ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўладиган бўлса, ГФР барча ерлари учун умумий тенденция ҳисобланади.

Давлат маслаҳат хизмати функциялари илмий-тадқиқот институтлари, қишлоқ хўжалиги мактаблари ва университетлари орқали амалга оширилади. Улар доимий ёки бир марталик маслаҳатларни бериши, қурилиш лойиҳаларини тайёрлаш ёки унинг экспертизасини ўтказиши, ўсимликчилик ва чорвачиликда энг янги технологияларни мослаштириши, техника ва ускуналарни харид қилишда маслаҳат бериши мумкин. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги илмий ва ўқув марказлари, тажриба станциялари, доимий фаолият юритувчи малака ошириш тармоғи қишлоқ хўжалиги маслаҳати самарадорлигини ошириш учун катта аҳамият касб этади.

Бранденбург, Мекленбург Олдинги Померания, Саксония-Анхальт ерларида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига расмий маслаҳат хизматлари хусусий маслаҳатчилар ва тижорат маслаҳат фирмалари томонидан амалга оширилади. Ушбу ерларда маслаҳат хизматларига бўлган харажатларнинг бир қисми давлат томонидан қопланиши кафолатланади.⁴¹

Бирлашувдан кейин қишлоқ хўжалиги корхоналари интенсив тарзда ислоҳ қилинган шарқий ерларда, маслаҳат хизматларига айниқса катта эҳтиёж сезилди. У ерларда, давлат маслаҳат хизмати билан бир қаторда, муқобил хизматлар ҳам ташкил топган. Шундай экан, Саксонияда, мисол учун, маслаҳат фирмаси мувоффақиятли фаолият юритмоқда (МЧЖ шаклида).

Фирма доимий мижозларга эга – ислоҳ қилиш бўйича маслаҳат хизматлари кўрсатилган ўн бештадан ортиқ жамоа хўжаликлари. Ислоҳ қилиш жараёнида, йирик ишлаб чиқариш, ишлаб чиқаришда банд бўлганлар сонини қисқартириш имконини берадиган, юқори унумдорликга эга техника ва технологияларни қўллаш имкониятига эга, бунда юқори малакага эга ва инсофли ишчилар қолади ва бу билан ўсимликчилик ва чорвачиликдаги меҳнат унумдорлиги 2-3 мартаба

⁴¹ Ториков В.Е., Мальцев В.Ф., Квитко Б.И. Информационно-консультационная служба в сельском хозяйстве Учебное пособие. Брянск 2004. 176 с.

ошиши таъминланади. ГФР шимолий қисмида, ҳамда жанубий қисмининг айрим минтақаларида, давлат маслаҳат хизмати, деҳқонлар томонидан кооператив асосда ташкил этилган “маслаҳат тўғараклари” билан тўлдирилади. Уларда маслаҳатчилар сифатида, кўпчилик ҳолларда, энг малакали ва мувоффақиятли фаолият юритувчи раҳбарлар ва қишлоқ хўжалиги корхоналари ходимлари хизмат қилади. Битта маслаҳатчига бир хил ихтисослашувга эга бўлган 50 тача деҳқон хўжаликлари тўғри келади. Маслаҳатчиларнинг молиявий таъминоти 50 фойизга ерлар бюджети ҳисобига ва 50 фойизга деҳқон хўжаликлари уюшмаси ҳисобига молиялаштирилади. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини ўқитиш ва малакасини ошириш дастурларини молиялаштиришнинг 70 фойизи ерлар бюджети ҳисобига, 15 фойизи қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ҳисобига ва 15 фойизи ҳомийлар ҳисобига амалга оширилади.⁴²

Голландия. Қишлоқ хўжалиги маслаҳати давлат тизими 1876 йилдан бошлаб давлат қишлоқ хўжалиги олий мактаби ва унинг тажриба станцияси базасида шакллана бошланган (Вагенинген ш.). Ушбу мактаб ўқитувчилари бир вақтнинг ўзида фермерларнинг маслаҳатчилари сифатида ҳам фаолият юритган. Кейинчалик, маслаҳат фаолияти мустақил иш турига айланди ва давлат ташкилоти мавқеига эга бўлди.⁴³

Голландиянинг қишлоқ хўжалиги сиёсатининг мувоффақияти, кўп жиҳатлари билан, таълим, тадқиқот ва жорий қилиш масалалари Голландия қишлоқ ва балиқ хўжалиги ва атроф-муҳит Вазирлиги ваколатида бўлганлигига боғлиқ. Вазирлик тузилмасида миллий маслаҳат марказлари (DLV) мавжуд бўлиб, улар бевосита фермерлар билан ишлайдиган таълим ходимларига ва жорий қилиш ташкилотлари маслаҳатчиларига (JKC) ахборот кўмагини берадилар.

Бевосита фермерлар билан биринчи даража жорий қилиш ташкилотлари ишлайдилар: Қишлоқ хўжалиги жорий қилиш хизмати (Agricultural Extension Service, DLV), фермерлик ташкилотларининг ижтимоий-иқтисодий маслаҳат

⁴²Живаев А.П. Развитие информационно-консультационных услуг в аграрном секторе экономики. : Дисс... канд.экон.наук. 08.00.05 Екатеринбург, 2009, 207 с.

⁴³Peterson W., Galleno V., Eponou T., Wuyts-Fivawo A., Wilks M. Methods for planning effective linkages. Briefing paper, Intern, service for nat. agr.re search. N 45 the Hague, 2001.

хизматлари, ҳамда хизмат кўрсатувчи ва қайта ишловчи фирмалар маслаҳатчилари, айрим мутахассислар (бухгалтерлар, банк ишчилари, ветеринарлар ва б).

DLV агентлиги собиқ давлат қишлоқ хўжалиги маслаҳат хизмати бўлиб, у тахминан 100 йил олдин фермерларга ишлаб чиқариш унумдорлигини ва қишлоқ хўжалиги даромадларини ошириш мақсадида хўжаликларни бошқариш ва техник ривожлантиришда ёрдам бериш учун яратилган.

DLVнинг техник ва иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчилари сони бозорда фаолият юритаётган бутун мутахассисларнинг – 15-20 фойизни ташкил этишига қарамасдан, DLV хизматлари қийматининг улуши – 50 фойиздан ортиқ.

Хусусийлаштиришгача DLV давлат ташкилоти эди, у:

- фермерларга техник ва иқтисодий маслаҳатларни берган, ҳамда давлат аграр сиёсатини амалга оширган. Хизмат қишлоқ хўжалиги Вазирлигига тўғридан-тўғри бўйсунган;

- 100 фойизга давлат томонидан молиялаштирилган;

- хизматнинг барча ходимлари минтақавий гуруҳларга ажратилган.

Маслаҳат хизмати томонидан қўлланиладиган, энг тарқалган фаолият услуби – гуруҳ ва оммавий коммуникация. Маслаҳат хизмати томонидан ҳаётга тадбиқ қилинадиган дастурларнинг барчаси аграр сиёсат мақсадлари билан яқиндан боғланган.

Аста-секин мамлакатда давлат ташкилотларини хусусийлаштириш учун объектив дастлабки шартлар юзага келди. Хусусийлаштириш заруриятини келтириб чиқарган сабаблар ичида, мутахассислар томонидан қуйидагилар қайд этилган:

а) давлат учун:

- маслаҳат хизмати дастурларининг юқори харажатлари, кичик натижавийлиги;

- фермерлар сони қисқаришида хизмат кадрларининг кўпайиши;

- фермерлар манфаатлари ва аграр сиёсат мақсадлари ўртасидаги ўсиб боровчи можаро, субсидияларга бўлган катта харажатлар;

- ходимларнинг суғ рағбатланиши: молиявий рағбатлантиришларнинг йўқлиги;

- энг малакали кадрларнинг бир қисми йўқотилиши (уларнинг кўпчилиги тижорат маслаҳатчилари бўлиб ишлашни бошлаганлар).

б) фермерлар учун:

- ташкилот хизматлари эҳтиёжларга йўналтирилмаган; маслаҳатлар муайян муаммоларни ечишга қаратилган эмас, балки умумий характерга эга бўлган;

- маслаҳат хизмати фаолиятининг гуруҳ ва оммавий услублари, фермер ва маслаҳатчилар ўртасида индивидуал мулоқотнинг етишмовчилигига олиб келди;

- аграр сиёсат ва фермерлар мақсадлари қарама-қаршилик мавжуд.

в) маслаҳат хизматлари ходимлари учун:

- фермерлар маслаҳатлар хизмати ходимларига ишонмайди;

- янада мураккаб, юқори технологик корхоналарга маслаҳат бериш учун зарур бўлган, мумкин бўлган ихтисослашув имкониятлари йўқ;

- яхши иш учун молиявий рағбатлантириш йўқ;

- ишдан қониқиш йўқолади.

Ҳозирги кунда давлат қишлоқ хўжалиги ахборот-маслаҳат хизмати иккита мустақил ташкилотни ўз ичига олади: Қишлоқ хўжалиги жорий қилиш хизмати ва қишлоқ ва балиқ хўжалиги ва атроф-муҳит Вазирлигининг Миллий маслаҳат марказлари.

Қишлоқ хўжалиги жорий қилиш хизмати бошқаруви кузатув кўмитаси томонидан амалга оширилади, унинг бошқарувида қишлоқ ва балиқ ва атроф-муҳит Вазирлигининг 4 вакили ва фермерлик ташкилотларининг 5 вакили киради.

Минтақавий даражада жорий қилиш хизматининг 600 мутахассиси фаолият юритади ва улар 61 минтақавий гуруҳга бирлаштирилган. Ҳар бир гуруҳда раҳбар, 2-3 катта маслаҳатчи, 5-7 тармоқ мутахассислари ва 2-3 фермер хўжаликларини бошқариш масалалари бўйича ходимлар мавжуд. Маслаҳатчиларнинг асосий вазифаси индивидуал маслаҳатларни ўтказиш ва фермерларга амалий ёрдам беришдан иборат.

Давлат қишлоқ хўжалиги маслаҳат хизмати билан бир қаторда, нодавлат ва хусусий сектордаги турли ташкилотлар ҳам фермерларга маслаҳат хизматларини кўрсатишади. Буларга мисол тариқасида, хусусий маслаҳат фирмаларини, фермерлар кооперативлари ва уюшмаларини, хизмат кўрсатиш ва қайта ишлаш фирмаларини ва бошқаларни келтириш мумкин.⁴⁴

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, қишлоқ хўжалик ахборот-маслаҳати хизматларининг кўриб чиқилган чет эллик моделларидан ҳеч бирини, тўғридан-тўғри Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасига тадбиқ этиб бўлмайди. Аммо, ушбу моделларнинг айрим элементлари миллий ахборот-маслаҳат хизматини яратишда қўлланилиши мумкин.

Улардан қуйидагилар энг муҳим ҳисобланади:

*Ўзбекистон АСМ ахборот-маслаҳат хизматини яратиш қонуний белгиланган бўлиши ва унга миллий мавқе берилиши;

*3та даражадан ташкил топган: давлат, вилоят ва туман, вертикал бўйича аниқ бошқарувга эга бўлган АМХ тузилмасига устуворлик берилиши;

*вилоят, айрим ҳолларда эса туман АМХлари, нотижорат ташкилот юридик мавқеига эга бўлиши;

*АМХ фаолиятини молиялаштириш (ҳеч бўлмаганда АСМ иқтисодиёти барқарорлашувигача) бюджет ҳисобига амалга оширилиши;

*АМХ фаолиятида бошқарувнинг маъмурий услублари мумкин эмаслиги;

*АМХда ишлаш учун илмий-тадқиқот ва таълим ташкилотларини кенг жалб этиш зарурлиги;

*АМХ фаолияти ҳудудида, қишлоқ хўжалик корхоналари ва фермер хўжаликлари, АСМ бошқарув органлари, илмий ва таълим ташкилотлари вакилларидан ташкил топган жамоат кенгашларини яратиш мақсадга мувофиқлиги.

3.3. Фермер хўжаликлари ўртасида кооперациявий муносабатларни ривожлантириш

⁴⁴Ториков В.Е., Мальцев В.Ф., Квитко Б.И. Информационно-консультационная служба в сельском хозяйстве Учебное пособие. Брянск 2004. 176 с.

Фермер хўжаликлари ўртасида кооперативлар тузиш уларни ягона хўжаликка бирлашишини ифода этмайди, балки иқтисодий фаолиятини мустақил олиб борадиган, жисмоний ва юридик шахс бўлган, ҳамкорликда иқтисодий манфаатларни ҳимоя этадиган фермерлар фаолияти турини акс эттиради.

Кўпгина ривожланган мамлакатларда фермер хўжалиги кооперацияси ва хўжалик юретишнинг бошқа шакллари ташкил этишнинг тизимли ёндошув услубиёти мамлакатимиз минтақалари учун ҳам қизиқиш уйғотади. Бу ҳаракатни ривожлантириш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни кооперативларга бирлаштириш шаклини жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда фермерларга хизмат кўрсатувчи кўп тармоқли корхоналар ташкил этилган. Хўжалик-ҳуқуқий мақомига кўра бу корхоналар бир нечта гуруҳларга, шу жумладан, дилерлик пунктларига бўлинган бўлиб, улар фермерлар учун турли техникалар (янги, ишлатилган), эҳтиёт қисмлар сотувчи, шунингдек машиналарни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатувчи савдо корхоналарини ҳам ўз ичига олган. Дилер ва турли ускуналар ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасидаги ўзаро ташкилий-иқтисодий муносабатлар тўғридан-тўғри тижорат тамойилларига асосланган.

Европа мамлакатларидаги фермерлар кооперацияси майда маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга хизмат кўрсатишда муҳим роль ўйнайди. Масалан, йирик корхоналарнинг тазйиқини қайтариш, ўз ўрни ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фермерлар ихтиёрий равишда бирлашиб, ишлаб чиқариш воситаларини етказиб берувчи таъминот кооперативларини тузадилар. Бу йирик етказиб бериш билан шуғулланувчи фирмалар, дилерлик хизмати монополиясидан чиқиш ва бозор рақобатчисини таъминловчи омил ҳисобланади.

Ривожланган мамлакатларда кооперативларнинг сони фермерлар сонидан анча кўп. Чунки, одатда фермер бир вақтнинг ўзида 2 — 3 та, баъзи ҳолларда эса 4 — 5 та кооперативларга аъзо бўлади. АҚШ қишлоқ хўжалиги департаментининг маълумотларига кўра, ҳар 5 та товар фирмасининг эгасидан 4 таси фермерлар кооперативлари хизматидан фойдаланади.

Кооперация бир қанча ўзига хос хусусиятларга эга. Уларнинг энг муҳимлари кооператив ўз аъзоларининг умумий мулки сифатида бўлиши, бошқаришнинг демократик асосга қурилганлиги ва бошқалардир. Бу мамлакатда кооперативларнинг бир неча турлари фаолият кўрсатади. Сервис кооперативлари, сотиш билан шуғулланувчи кооперативлар ана шулар жумласидандир. Кооперативлар орқали сотилаётган маҳсулотларнинг 90 фоизини дон, чорвачилик маҳсулотлари, сабзавот ва мева ташкил қилади. Кооперативлар орқали уруғлик, чорва озукаси, ўғит, пестицидлар, ёнилғи-мойлаш ва қурилиш материалларининг қарийб 80 фоизи сотиб олинади.

Кооперативлар эса фермер хўжаликларини суғурталаш, кредитлаш, алоқа тармоқларини ўрнатиш, мелиорация, транспорт хизмати, чорва молларини сунъий қочириш, тупроққа ишлов бериш, янги технологияларни қўллаш ва бошқа соҳалар бўйича хизмат кўрсатади.

Хусусан, АҚШдаги "Heartland" кооперативининг тажрибаси⁴⁵ диққатга сазовор. Мазкур кооператив фермерларни минерал ўғит, захарли кимёвий воситалар, уруғлик билан таъминлайди. Кооперативнинг захарли кимёвий воситаларни тўғридан-тўғри олиш бўйича Европадаги кимё заводлар билан шартномаси мавжуд. Шу билан биргаликда кооператив фермерлар буюртмасига биноан уларнинг ўсимликларига кимёвий ишлов бериш хизматини ҳам кўрсатади. Бунинг учун барча зарур техника воситалари мавжуд. Кооператив фермернинг буюртмасига биноан минерал ўғитларни соф ёки аралаштирилган ҳолда фермернинг даласига етказиб беради.

Канадада⁴⁶ қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилар маҳсулот ассоциациялари Канаданинг аграр сиёсати муваффақиятли қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши учун иқтисодий шароитларни ҳам, ишлаб чиқарувчиларга ўз иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ва бутун фаолиятлари даромадлилигини ошириш учун қайта ишлаш саноати ва бозор имкониятларидан фойдаланишга имкон берувчи ташкилий асосларни ҳам яратишга қаратилган. Бундай ташкилий

⁴⁵Маматқулов Б. Бошбеков Б. Бирни кўриб фикр қил. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. –Тошкент, 2006, № 3 8-бет

⁴⁶Ткач А.В. Сельскохозяйственная кооперация. Учеб.пособие. издательско-торговая корпорация «Дашков и Ко». Москва-2005, стр.-273-279.

асослар ишлаб чиқарувчиларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлаш ва маҳсулотларни сотишга тайёрлаш соҳасидаги кооперацияси, шунингдек кооператив шаклдаги ишлаб чиқарувчиларнинг ихтисослашган савдо ассоциацияларини ташкил этиш бўлади.

Улгуржи, баъзан эса чакана савдо маҳсулотини қайта ишлаш соҳасида ишлаб чиқарувчилар кооперацияси Канадада ўттизинчи йиллардаёқ ривожлана бошлади. Ҳозирги вақтда бундай ишлаб чиқарувчилар кооперацияси қонунчилик асосга эга ва ишлаб чиқарувчилар фаолиятининг тан олинган меъёрига айланган.

Германияда барча қишлоқ хўжалик кооперативлари мамлакатдаги энг йирик кооператив бирлашма "Немис Райффайзен иттифоқи" таркибига киради. Фермер хўжаликларини кредитлаш, уларни ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлаш, турли хил хизматлар кўрсатиш, маҳсулотларни тайёрлаш, со тиш ва қайта ишлашда кооперативлар муҳим роль ўйнайди. Кооперативларни тузиш ва уларни ривожлантиришни давлат қўллаб-қувватлайди.

Германия кооперативлари немис ўрта корхоналарининг аграр сектордаги табиий шериклари бўлиб, биргаликдаги кооператив корхона юритиш орқали ўз аъзолари хўжаликлари ва иқтисодий фаолиятига кўмаклашиш мақсадини кўзлайди. Кооперативнинг асосий вазифаси тадбиркорлик фаолиятининг у ёки бу соҳасида хўжалик ютуқларига эришиш, кооператив аъзолари ривожланишига кўмаклашиш, шунингдек ўз хўжаликлари манфаатларини аъзоларга ёрдам кўрсата олиш имкониятини узоқ вақтга сақлаб қолиш мақсадида ҳимоялашдир.

Қишлоқ жойларини муҳим маҳсулотлар билан таъминлашда кооперативлар катта ўрин тутди. Райффайзен бозорлари уй ва боғ учун юқори сифатли товарларни етказиб беради. Малакали маслаҳатчилар мижозларга ўз хизматларини таклиф этади.

Озиқ-овқат саноати, озиқ маҳсулоти савдоси учун Райффайзен ташкилоти кооперативлари муҳим шериклардир. Федерал даражада бошланғич кооперативлар, ҳудудий Марказий банклар ва муассасаларнинг ўзаро ҳаракати туфайли кооперативлар исталган вақтда исталган сифатда керакли маҳсулот ҳажмини бера олади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотини сақланиши, дастлабки ишлов

берилиши ва йиғими туфайли улар исталган ҳажмдаги партияларни ташкил эта олади. Кооперативлар сифатни доимий назоратини олиб беради ва ўз маҳсулотини кафолатлайди. Кооператив ишлаб чиқарган маҳсулотлар ўз ва чет эл бозорларида юқори баҳоланади.

Исроилда қишлоқ хўжалигида эришилган ютуқлар сири – қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат мажмуасининг барча соҳаларида энг янги технологияларни ишлаб чиқариш ва кўллашда ҳамкорлик қилувчи қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчилари ва тадқиқотчилари ўртасидаги яқиндан ўзаро ҳаракат қилишларидир.

Исроил тажрибасининг эътиборга лойиқлиги шундан иборатки, мамлакат асосан табиий омилларнинг тўхтатиб турувчи таъсирини енгди, бу соҳада такрор ишлаб чиқариш учун ижтимоий-иқтисодий ва техник-технологик қулай шароитлар яратди. Аграр секторнинг ижтимоий шакллари айнан деярли бутун қишлоқ хўжалигини қамраб олувчи кооператив фаолият турларини ривожлантириш борасидаги Исроил тажрибасининг аҳамияти бир мамлакат чегарасидан узоққа чиқди.

Исроил кооперативларининг барча турлари, шу жумладан киббуцилар, ўз кундалик фаолиятида истеъмол, қайта ишлаш, сотиш ва бошқа кооператив бирлашмаларнинг тармоғига таянади. Таъминот сотув кооперативлари киббуцлар ва мошавларга нафақат техника, озуқа ва ўғитлар етказиб берадилар, балки қишлоқ хўжалик маҳсулотини сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш билан ҳам шуғулланадилар. Иқтисоднинг кооператив секторида бош таъминот ташкилот улгуржи савдо марказий кооператив бирлашмаси – Хамашабир хамерказидир. Улгуржи савдонинг бу бирлашмаси асосий аъзо-ҳиссадорлари қишлоқ хўжалик кооперативлари, шу жумладан киббуцилар. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг дастлабки ишлов бериш ва сотиш Марказий кооператив жамияти – Тикува Исроилдаги бутун агромаҳсулотларнинг 60 % дан ортиғини сотади. Экспорт маҳсулотни кооператив федерациялар томонидан ташкил этилган АГР ЭКСКО кооператив компанияси реализация қилади.

Аргентина учун айниқса сут йўналишидаги чорвачилик кооператив хўжаликлари катта аҳамият касб этади. Улар ичида I ва II поғона кооперативлари

фарқланади⁴⁷. Кўплаб майда ва ўрта хўжаликларни бирлаштирувчи I поғона кооперативлари сут маҳсулоти етиштириш билан шуғулланади. Провинциялар доирасида кооперативлар уюшмасини ўзида намоён этувчи Iпоғонакооперативлари I поғона кооперативлари етиштирган маҳсулотни қайта ишлаш ва сотиш билан шуғулланади.

Кўпгина давлатларда фермерларга маслаҳат, ахборот хизматлари ҳам кўрсатилади. Даставвал фермерларга бепул ахборот — маслаҳат хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг барча харажатлари давлат томо нидан қопланган, кейинчалик фермерлар ахборот-маслаҳат хизматларнинг аҳамияти ва фойдасини тўла тушуниб етганларидан сўнг уларга пуллик хизмат кўрсатила бошланган. Баъзи давлатларда фермерлар уюшмалари ва бошқа ташкилотлар ўзининг аъзоларига ахборот-маслаҳат хизмати кўрсатади.

Хориж тажрибасини ўрганиш асосида кооперациявий алоқалар тўғрисида хулоса қилиш мумкинки, бу давлатларда кооперациянинг турли хил самарали йўналишларидан фойдаланиш асосида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлигини ошириши мумкин.

⁴⁷Эргашходжаева Ш.Ж. Қишлоқ жойларида кооперацияни ташкил қилишнинг маркетинг стратегияси. Тошкент. «Фан» нашриёти. 2006. 30-31 б.



3.1-расм. Ривожланган хориж давлатларида кооперациянинг йўналишлари⁴⁸

Ушбу таҳлиллар асосида, Ўзбекистонда кооперацион жараёнларни фаоллаштириш, такомиллаштириш ва ривожлантириш буйича айрим тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ҳамкорликда кооперативлар ташкил этиш ва уларни ривожлантириш орқали кооперативларнинг турли шакллари вужудга келтириш мумкин:

- 1) барча йўналишларда ҳамкорликда фаолият юритиш;
- 2) фермер хўжаликларига техникавий-сервис хизмати кўрсатиш;
- 3) меҳнатни ҳамкорликда ташкил этиш;
- 4) ер ресурсларидан ҳамкорликда фойдаланиш;
- 5) маҳсулотни сотиш ва таъминотни амалга ошириш;

⁴⁸Саматов Ф.А., Турובהва Х.Р. Фермерликни ривожлантиришида кооперацион муносабатларни такомиллаштириш. – Т.: 2011.

б) ҳамкорликда кредит олиш ва суғурталаш.



3.2-расм. Ривожланган давлатларда кооперациядан чиқиш шартлари⁴⁹

Ҳозирги вақтда аксарият мамлакатларда кооперациялашган хўжаликлар шакллари кўйидаги асосий турлари ривожланган⁵⁰:

- “соф кооперативлар” - уларда бошқариш ва фойдани тақсимлашда пайчилар тенглиги ўрнатилган корхоналар;

- “акциядорлик туридаги кооперативлар” - уларда акциядорлик жамиятининг элементлари устунлик қиладиган, бошқаришда ҳуқуқларнинг тенглиги таъминланган ҳолда пай миқдорига мутаносиб равишда дивидентлар кўринишида тақсимланадиган ва одатда юқори чегара билан чекланган корхоналар. Лекин бундай корхоналар бошқа турдаги корхоналарга қараганда камдан - кам ҳолларда устунликларга эга ва хусусий компаниялардан деярли фарқ қилмайди;

- “соф кооперативлар” ва “акциядорлик туридаги кооперативлар” ўртасида оралиқ мавқени эгаллаган корхоналар.

Хориж тажрибаси кооперативларни кўйидагича туркумлаштириш мумкин (3.3-расмга қаранг).

⁴⁹ Муаллиф ишланмаси

⁵⁰ Ш.Эргашходжаева. Қишлоқ жойларида кооперацияни ривожлантиришнинг маркетинг стратегияси. Тошкент-2006, 38-бет.

3.3-расм. Кооперациянинг таснифланиши⁵¹

Тадқиқотлари натижасига кўра кооперацияга бирлашганда чекланган ресурслардан кутилаётган натижалар қуйидагича бўлиши аниқланди.(3.4-расм)

Кооперативларни илмий асосда шакллантириш тизими замон талабига жавоб бера оладиган хўжалик юритишнинг янгича шаклларига ўтишни, балки комплекс агрохизмат кўрсатишни таъминлаш имконини беради. Бизнинг фикримизча қишлоқ хўжалиги маҳсулот ишлаб чиқарувчилари кооперативлари тизимини шакллантиришга бўлган бундай ёндошув қуйидаги вазифа ларни ҳал

⁵¹СаматовҒ.А., Туробова Ҳ.Р. Фермерликни ривожлантиришида кооперацион муносабатларни такомиллаштириш. – Т.: 2011.

этишни кўзда тутати:

3.4-расм. Кооперацияда ресурслардан фойдаланишда кутиладиган натижалар⁵²

- ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг кооператив шаклини асослашни;
- хўжалик юретишнинг кооператив шакллари ташкил этиш ва амалга ошириш тамойилларини ишлаб чиқишни;
- кооперативлар тузишга талаб катта бўлган жойларда кооперативлар ва хизмат кўрсатиш доираларини ташкил этиш йўналишларини белгилашни;
- худудларда хўжалик юретишнинг (хуқуқий, ташкилий, иқтисодий) оқилона шакллари аниқлаш ҳамда асослашни;
- худудий кооператив хўжалик ва бошқаларнинг ўзаро муносабатлари тузилмасини ишлаб чиқишни.

Республикамизда кооперациявий муносабатларни шакллантиришда хориж тажрибасининг ўрни бекиёсдир. Хусусан, АҚШдаги "Heartland" кооперативининг фермерлар ва инфратузилма шохобчалари ўртасидаги ўрнатилган алоқалари аҳамиятлидир. Бундан ташқари Европа мамлакатларида ривожланган кооператив муносабатлар тажрибасини Ўзбекистонда қўллаш имконияти юқори бўлиб, келажакда кооперациявий муносабатларни самарали ташкил қилишда аҳамияти каттадир. Кооперациявий алоқаларни хориж тажрибаси хўжалик юретишнинг кооператив шаклида қуйидаги тамойилларга қатъий риоя қилиш лозим:

*кооператив асосларда тузилаётган хўжаликларни илмий ва иқтисодий асослаш;

*янги хўжалик тузилмаларга ихтиёрий бирлашиш ва ҳужжатлар ҳамда қарорларни демократик асосларда қабул қилиш;

*фермер хўжаликлари, корхоналар, ташкилотлар ва давлат идораларининг

⁵²Муаллиф ишланмаси.

ўзаро манфаатдорлигини таъминловчи хўжалик юритиш шакллари танлаш;
 -кооператив ташкилотларга хўжаликни юритишда ҳудудий,
 ижтимоий-иқтисодий йўналишни таъминлаш.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

1. Ривожланган давлатлар қишлоқ хўжалигини ривожланиш хусусиятлари:

- аграр ислохотларнинг тўғри олиб борилиши, охирига етказганлиги;
- фермер хўжаликларида фан-техника ютуқларидан кенг фойдаланиш;
- интенсив қишлоқ хўжалигини ташкил этилганлиги унинг натижасида ишлаб чиқаришни кенг миқёсда механизациялашганлиги, автоматлаштирилганлиги ва электрлаштирилганлиги;
- фермер хўжаликларида давлат томонидан субсидияларнинг ажратилиши;
- экспортнинг ривожланганлиги;
- фермер хўжаликларида тор доирада ихтисослашганлиги;
- фермер хўжаликларида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, сотиш, қайта ишлаш тизимини ривожланганлиги;
- агротехниканинг ривожланганлиги, ҳосилдорликнинг юқорлиги, тупроқ унумдорлиги ошиб бориши;
- меҳнат ресурслари бандлик даражасининг пастлиги, меҳнат унумдорлигининг юқорилиги ва бошқалар.

2. Ривожланаётган давлатларнинг ривожланиш хусусиятлари:

- Ривожланаётган давлатларда аграр ислохотлар охиригача етказилган эмас;
- Фан-техника ютуқларини тадбиқ этиш даражаси паст;

- Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, раҳбатлантириш паст даражада;
- Қишлоқ хўжалигини маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш, сотиш тизими ривожланмаган;
- Қишлоқ хўжалигини маҳсулотлари экспорти фақат хом ашё ҳисобидан;
- Ишлаб чиқариш экстенсив омиллар таъсирида ривожланиши;
- Ишлаб чиқаришни механизациялаштириш, автоматлаштириш, электрлаштириш даражасининг пастлиги;
- Тупроқ унумдорлиги пастлиги, ҳосилдорликнинг пастлиги, сувдан фойдаланишни эски усулларнинг сақланлиги;
- Меҳнат ресурсларнинг бандлиги юқорлиги;
- Меҳнат унумдорлигининг пастлиги ва бошқалар.

3. Чорвачиликни ривожлантириш қишлоқ хўжалиги олдида турган биринчи даражали вазифалардан ҳисобланади. Бу вазифани муваффақиятли ҳал этиш учун қуйидаги комплекс тадбирий чоралар ишлаб чиқилган:

- чорвачиликнинг мустаҳкам ем-хашак базасини барпо қилиш ва ем-хашакдан рационал фойдаланиш;
- барча турдаги чорва моллари ва паррандаларини кўпайтириш;
- подаларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва молларни саноат технологияси асосида боқишга мослаштириш мақсадида чорвачиликда наслчилик ишларини яхшилаш;
- чорва молларининг янги зотларини яратиш ва мавжуд зотларини яхшилаш, чорвачиликнинг турли соҳаларини бошқаришда назарий ва амалий усулларни ишлаб чиқиш, шу асосда чорва молларини кўпайтириш ҳамда боқишнинг рационал усулларини жорий этишда зоотехника ва чорвачилик илғорларининг иш тажрибаларига кенг ўрин бериш.

4. Замонавий қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш нафақат деҳқончиликни, балки чорвачиликни ҳам қамраб олади. Гарчи, ривожланган

мамлакатлар тараққий қилиши учун майдон ва ишда банд бўлганларга тўғри келадиган тракторлар сонининг энг юқори кўрсаткичлари хос бўлса ҳам уларда трактор паркининг ўсиши (22%) жаҳондаги ўртача ўсиш кўрсаткичи(29%)га нисбатан суств. 1998 йил 24 мартда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш техникаси хизмати кўрсатиш соҳасида шартнома муносабатларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» кўмитанинг туманлараро бўлинмалари базасида хўжаликлар билан тупрқни ишлаш, қишлоқ хўжалик экинларини экиш ва йиғиб-териб олиш ишларини механизациялаштириш бўйича шартномаларнинг бажарилиши тўғрисида» қарори қабул қилинди.

5. Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларининг кўпчилигида, бир неча ўн йилликлар мобайнида, ахборот-маслаҳат хизматлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ўртасида билимларни тарқатишнинг бир шакли сифатида фаолият юритиб келмоқда. Бундай хизматларнинг яратилиши, зарурий таълим ва иш тажрибасига эга бўлмаган фермерларга самарали хўжалик юритиш, ўз хўжаликларида фан ютуқларини жорий қилишга ёрдамлашиш зарурияти билан тушунтирилади. Фермерлар аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун интенсив ишлаб чиқаришни юритиш, кўпгина ҳолларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг янги технологияларини қўллашлари зарур бўлади. Оилавий фермер хўжалигининг юзага келган тури тижорат нуқтаи назаридан ташкил этилиб, ишлаб чиқаришни доимий тарзда техник янгилашга сезиларли даражада боғлиқдир. Илмий ва ўқув марказларидан узоқда жойлашган фермерларга, алоқа воситаларисиз, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши янгиликларини кузатиб бориш ва уларни ўз хўжаликларида қўллаш жуда қийин кечади. Бунинг учун махсус хизматлар зарур бўлади.

6. Республикамизда кооперациявий муносабатларни шакллантиришда хориж тажрибасининг ўрни беқиёсдир. Хусусан, АҚШдаги "Heartland" кооперативининг фермерлар ва инфратузилма шоҳобчалари ўртасидаги ўрнатилган алоқалари аҳамиятлидир. Бундан ташқари Европа мамлакатларида ривожланган кооператив муносабатлар тажрибасини Ўзбекистонда қўллаш имконияти юқори бўлиб,

келажакда кооперациявий муносабатларни самарали ташкил қилишда аҳамияти каттадир. Кооперациявий алоқаларни хориж тажрибаси хўжалик юрителининг кооператив шаклида қуйидаги тамойилларга қатъий риоя қилиш лозим:

*кооператив асосларда тузилаётган хўжаликларни илмий ва иқтисодий асослаш;

*янги хўжалик тузилмаларга ихтиёрий бирлашиш ва ҳужжатлар ҳамда қарорларни демократик асосларда қабул қилиш;

*фермер хўжаликлари, корхоналар, ташкилотлар ва давлат идораларининг ўзаро манфаатдорлигини таъминловчи хўжалик юрители шакллари танилаш;

-кооператив ташкилотларга хўжаликни юрителида ҳудудий, ижтимоий-иқтисодий йўналишни таъминлаш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент Фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, меъёрий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: 08.12.1992.
2. Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодекси. – Т.: 30.04.1998.
3. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси. – Т.: 21.12.1995.
4. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Фермер хўжалиги тўғрисида (янги таҳрирда). – Т.: 26.08.2004.

5. Республика чорвачилигида иқтисодий ислохотни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори 15.03.1993 йилдаги 137-сон, кучга кириш санаси 15.03.1993.

6. Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори 21.04.2008 йилдаги ПҚ-842-сон, кучга кириш санаси 21.04.2008.

7. Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 20.10.2008 йилдаги ПФ-4041-сон, кучга кириш санаси 20.10.2008.

8. Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори 23.03.2006 йилдаги ПҚ-308-сон, кучга кириш санаси 23.03.2006

II. Президент асарлари

9. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. -Т.: Ўзбекистон. 2010.

10. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон

шароитида уни баргараф етишнинг йўллари ва чоралари. -Т.:Ўзбекистон. 2009.

11.Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс еттириш. -Т.: Ўзбекистон. 2009.

12.Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида /— Т.: «Ўзбекистон», 2011. —440 б.

13.Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ етишдир. –Т.: Ўзбекистон. 2005.

14.Президент Ислон Каримовнинг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон РеспубликасиВазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлаби.//Zarafshon. 21.01.2012. №8 (22.009).

15.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Мамлакатимизни 2013-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. - <http://www.press-service.uz/uz/news/4875/>

III. Монография, дарслик ва ўқув қўлланмалар

16.Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. - Т.: «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси», 2004 й.

17.Адилова Ш.И, Рустамова И.Б, Саматов Г.А. Аграр тармоқда ахборот-маслаҳат хизматлари тизимини такомиллаштириш. – Т.: 2013 й.

18.Бедросов Ю.Я., Эргешов Ш.Э. Жаҳон қишлоқ хўжалиги. -Т.: Ўқитувчи, 1989.

19.Гатаулин А.М. ва бошқалар. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш системасида математик усуллар.-Т.: «Мехнат»,2008.-292 б.

20.Живаев А.П. Развитие информационно-консультационных услуг в аграрном секторе экономики. : Дисс... канд.экон.наук. 08.00.05 Екатеринбург, 2009, 207 с.

21.Жўраев Ф.Ж. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил

этиш.-Т.:«Истиклол», 2004.-344 б.

22.Исмаилов А.Қ., Муртазаев О. Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти. -Т.: Шарқ. 2005.-436 б.

23.Олимжонов О. ва бошқалар. Фермерлик фаолиятини ҳуқуқий ва молиявий асослари. –Тошкент.: «Университет», 2005.-212 б.

24.Салимов Б.Т., Турсунхўжаев Т.Л., Хакимов Р.Х., Турахужаев Т.И., Ўрақов Н.И., Арипов И.М., Мустафақулов Ш.И. Жаҳон қишлоқ хўжалиги (Ўқув кўлланма) – Т.:ТДИУ, 2006 - 102 бет.

25.Саматов Ғ.А., Ёдгоров Ж.Ё., Рустамова И.Б. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш. - Т.: Тош.ДАУ, 2005.

26.Саматов Ғ.А., Рустамова И.Б., Шерипбаева У.А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва менежменти. - Т.: ”Чўлпон” 2012.

27.СаматовҒ.А., Туробова Ҳ.Р. Фермерликни ривожлантиришида кооперацион муносабатларни такомиллаштириш. – Т.: 2011.

28.Ткач А.В. Сельскохозяйственная кооперация. Учеб.пособие. издательско-торговая корпорация «Дашков и Ко». Москва-2005.

29.Трейси М. Сельское хозяйство и продовольствие в экономике развитых стран: Введение в теорию, практику и политику: Пер. С англ. СПб.: Экономическая школа,1995.

30.Турсунхўжаев Т.Л. Жаҳон қишлоқ хўжалиги ва унинг тараққиёти. Т., 1993.

31.Ториков В.Е., Мальцев В.Ф., Квитко Б.И. Информационно-консультационная служба в сельском хозяйстве Учебное пособие. Брянск 2004. 176 с.

32.Умурзоқов Ў.П., Тошбоев А.Ж., Тошбоев А.А. Фермер хўжалиги иқтисодиёти. – Т.: Иқтисод-Молия, 2008 й.

33.Фармонов Т.Х. “Фермер хўжаликларини ривожлантириш истиқболлари”.-Тошкент : «Янги аср авлоди», 2004.

34.Кудратов Т.Қ. Фермер хўжалиги фаолиятининг иқтисодий таҳлили.-Самарқанд.: 2009.-180 б.

- 35.Цеддис Ю и др. Экономика сельскохозяйственных предприятий.
–Москва.: Издательство МСХА,2008-400 б.
- 36.Эргашходжаева Ш.Ж. Қишлоқ жойларида кооперацияни ташкил қилишнинг маркетинг стратегияси. Тошкент. «Фан» нашриёти. 2006.
- 37.Great Britain. Agricultural development and advisory service, ADAS re search. 1996/1997. S.p., 1997. - 68 с.
- 38.Peterson W., Galleno V., Eponou T., Wuyts-Fivawo A., Wilks M. Methods for planning effective linkages. Briefing paper, Intern, service for nat. agr. re search. N 45 the Hague, 2001.
- 39.Rasmussen W.D. Yaking the university to the people, Seventy-five years of cooperative extension. Ames (Iowa), Iowa state univ. press, 1989. - 300 с.

Интернет сайтлари

- 40.www.ziyonet.uz
- 41.www.cottonontbook.com
- 42.www.edu.uz
- 43.www.agrobusiness.ru
44. www.stat.uz
- 45.www.agro.uz
46. www.fao.org